

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК
МАҲОРАТ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тузувчи: доцент М.Хошимова

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА	7
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ	8
МАЪРУЗА МАТНИ	32
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	75
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	81
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ	83
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	84
ГЛОССАРИЙ.....	85
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	90
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	104

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг асосий мақсади ва вазифалари

Мазкур ишчи ўқув дастур “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепцияси ва 2013 йилги иқтисодий дастурга асосланган ҳолда тузилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “2012 – йилда Республикани ижтимоий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устивор вазифалари тўғрисида деб номланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилиши лозим. Ҳисобот йилида янги касб-хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012–2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди. Етарли касбий кўникма ва малакага эга бўлмаган 2 минг 100 нафардан зиёд ишлаб чиқариш таълими устаси ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган малакали кадрлар билан алмаштирилди. Барча раҳбар ва педагог кадрларнинг 21 минг 700 нафардан ортиғи ёки 18 фоизи ўтган йили махсус курсларда ўз малакасини оширди - деб таъкидлади¹.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизимини самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ва амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидар. «Таълим технологиялар ва педагогик маҳорат» модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

«Таълим технологиялар ва педагогик маҳорат» модулининг **мақсади:**

- тингловчиларни ҳозирда мавжуд бўлган замонавий таълим технологиялари билан таништириш ва ана шу педагогик технологиялардан маҳорат билан фойдаланиш малакасини шакллантириш;
- тингловчиларга таълим-тарбия масалалари бўйича илғор таълим технологияларининг концептуал асослари, келиб чиқиш тарихи тўғрисида

¹ И.Каримов. 2012 – йилда Республикани ижтимоий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устивор вазифалари тўғрисида. // Халқ сўзи. 2013 йил 22 январь, 14-сон.

маълумотлар бериш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб тингловчиларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликларини ёритиш ва тингловчиларда уларни қўллаш маҳоратини шакллантириш;

- демократик жамият ривожланишини таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган назарий-концептуал масалаларни, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида педагог шахсига қўйилаётган талаблар тизимини ўрганиш ва ўз касбий маҳоратни ошириш йўллари кўрсатиш.

Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган. Касбий билим, кўникма ва малалкаларни шакллантириш. Таълим технологиялари ҳақидаги билимларни эгаллаш, улардан унумли ва ўз урнида фойдалана олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш кўзда тутилган.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модул олий таълим муассасалари педагог ходимларининг педагогик маҳоратини ошириш ва таълим жараёнини ташкил этиш, олий таълим тизимининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим	
			жами	жумладан			
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари	2	2	1	1		
2.	Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш	2	2	1	1		
3.	Касбий компетентлик	4	4	2	2		
	Жами:	8	18	4	4		

МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 мавзу: Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари.

Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари.

2 мавзу: Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш

Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари.

3 мавзу: Касбий компетентлик

Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараёни технологик лойиҳалаштириш.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т., 1997.
4. Каримов И.А. 2012 – йилда Республикани ижтимоий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устивор вазифалари тўғрисида.//Халқ сўзи. №14. 22.01.2013.
5. Голиш Л.В. Замоनावий педагогик технологиялар. М., 1999.
6. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар. Т.: Иқтисод-молия, 2009.
7. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. М.: «ГЭОТАР-Медия», 2008. 43 с.
8. Селевко С. Современные образовательные технологии. Москва. 1998. -75-90 с.
9. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000.
10. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография. Т.: Фан. ЎзПФИТИ, 2005.
11. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.: ТДИУ, 2012.
12. Хўжаев Н, Хасанбоев Ж, Мамажонов И, Мусахонова Г. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Т., ТДИУ, 2007.

ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари	Маъруза-амалий машғулот	1 1	ҳар ойнинг биринчи ҳафтаси
2.	Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш	Маъруза-амалий машғулот	1 1	ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси
3.	Касбий компетентлик	Маъруза Амалий машғулот	2 2	ҳар ойнинг учинчи ва тўртинчи ҳафтаси

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маъруза машғулоти ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Модул тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Шарҳловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолигиорқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдагибилиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамдауларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техниквоситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
6.	Бинар (иккикишилик) маъруза	Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёндасининг, ўқитувчи-тингловчининг диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиш.
7.	Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза	Хатоларни излашга мўлжалланган мазмуни ва услубиятида, маърузаохирда тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолартекширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилиш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут) даниборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.

1-мавзу

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари

(маъруза – 1 соат, амалий машғулот -1 соат)

1.1. Машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти– 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Маишулот тури</i>	1-соат бахс –мунозара маърузаси ва 2-соат амалий машғулот.
<i>Маишулот режаси</i>	1.Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. 2.Аниқлаштирилган мақсадлар. Б.Блум таксономияси. 3.Замонавий таълим технологиялари.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат ҳақидаги билимларни шакллантиришдан иборат.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва роли билан таништириш; • Б.Блум таксономиясининг моҳиятини ёритиб бериш; • муаммоли ва инерфаол технологияларга характеристика бериш; • модулли технологияларнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш; • бугнги кунда технологик ёндашувнинг заруратини кўрсатиш. 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни кўрсатади ва бугунги кундаги аҳамиятига изоҳ беради; • Б.Блум тақсономиясининг ишлаш механизмини тушунтиради ва пирамидага мос бўлган аниқ мақсадларни шакллантиради; • муаммоли ва интерфаол технологияларни ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилади; • модулли таълимнинг мақсад ва вазифаларини кўрсатади ва технологик ёндашувнинг асосий жиҳатларига хулоса беради; • таълим технологияларнинг бугунги кунда амалиётга жорий этиш жараёнини баҳолайди.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, бахс-мунозара, суҳбат, Б/Б/Б техникаси
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий, жамоа бўлиб
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Машғулотнинг технологик харитаси


Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун такдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (15 дақиқа.)	<p>2.1. Машғулот мавзусини эълон қилади мавзу бўйича ўрганиш лозим бўлган режа саволларни айтади.</p> <p>2.2. Тингловчиларни мавзуга оид тушунчаларни аниқлаб олиш учун саволлар билан мурожат этади (1-илова).</p> <p>2.3. Тингловчилар томонидан айтилган фикрларни таҳлил қилади.</p> <p>2.4. Бугунги кунда таълим технологияларни қўллашда қандай қийинчиликларга учраяпсизлар ва уларни қандай ҳал этаяпсиз?-деган савол билан тингловчиларга мурожат этади.</p>	<p>2.1. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p> <p>2.2. Фикрларини баён этадилар.</p> <p>2.3. Тинглайдилар.</p> <p>2.4. Фикр-мулоҳазаларини билдирадилар..</p>
3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Тингловчиларда вужудга келган саволларга жавоб беради.</p> <p>3.3. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди..</p> <p>3.4. Б.Блум таксономияси асосида аниқлаштрилган мақсадларни ишлаб чиқиш учун 25 дақиқа ажратади (ўз мутахассислиги бўйича)</p> <p>3.5. Ҳар бир тингловчининг бажарган ишини текширади ва тингловчилар биргаликда таҳлил қилади.</p> <p>3.6. Муаммоли вазиятлар яратиш усулларини намойиш қилади.</p> <p>3.7. Тингловчилар мустақил равишда бир қанча муаммоли вазиятлар яратишларини сўрайди.</p> <p>3.8. Тингловчиларнинг фаолиятини биргаликда таҳлил қиладилар.</p> <p>3.9. Тингловчиларга Б/Б/Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади (3-илова).</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунчани муҳокама қиладилар.</p> <p>3.3. Ёзадилар.</p> <p>3.4. Аниқлаштрилган мақсадларни шакллантирадилар</p> <p>3.5. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.6. Тинглайдилар</p> <p>3.7. Муаммоли вазиятлар яратадилар</p> <p>3.8. Таҳлилда иштирок этадилар</p> <p>3.9. ўз фаолиятини таҳлил этади.</p>
4 босқич. Яқун ясаш (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>


Саволлар:

1. “Технология” тушунчасига изоҳ беринг?
2. Таълим технологиялари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?.
3. Технологик ёндашувнинг қандай ўзига хос хусусияларини биласиз?
4. Сиз кўпроқ қандай технологиялардан фойдаланасиз?
5. Технологик ёндашувнинг аҳамияти нимада?


Визуал материаллар

Педагогик технологияларининг хусусиятлари







Таълим тизимининг тарққиёти




Аниқлаштирилган мақсадлар





Б.Блум пирамидаси



Ушбу метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида тингловчилар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				

2-мавзу

Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш

(маъруза – 1 соат, амалий машғулот 1 соат)

2.1. Машғулотнинг таълим технологияси модели

Вақти– 80 минут	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Маишулот тури</i>	1- соат визуал, ахборот маърузаси ва 2-соат амалий машғулот
<i>Маишулот режаси</i>	1.Олий таълим муассасаларида аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари. 2.Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари. 3. Мустақил ишларни ташкил этиш тамойиллари.
Ўқув маишулотининг мақсади: Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш юзасидан тингловчиларда тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • мустақил ишларни ташкил этиш тамойиллари ва турлри ҳақидаги маълумотларни етказиш; • аудиторияда талабалар мустақил фаолиятини ташкил этишнинг назарий асосларини таҳлил қилиш; • аудиториядан ташқарида талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш усулари ҳақида маълумот бериш; • аудиторияда талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш усулларининг ҳар бирини ташкил этиш қоидаларини тушунтириш; • мустақилол фаолиятни ташкил этиш заруратини кўрсатиш; 	<ul style="list-style-type: none"> • мустақил ишларни ташкил этиш тамойилларини санаб беради ва турларини кўрсатади; • аудиторияда талабалар мустақил фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини изоҳлайди; • аудиториядан ташқарида талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш усуларига изоҳ беради; • аудиторияда мустақил фаолиятни ташкил этиш усулларини амалда кўрсатади; • кичик модулли, универсал технологияларга тегишли хусусиятларни аниқлайди, хулосалайди ва баҳолайди.
Ўқитиш усуллари	Маъруза матни, блиц сўров, инсерт усули
Ўқитиш шакллари	Оммавий, жамоа бўлиб
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
Ўқитиш шартлари	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар



Машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	1.1. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди. 1.2. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.	
2-босқич. Кириш (10 дақиқа.)	2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 2.2. Тингловчиларга мавзу юзасидан бир қанча саволлар бериб, уларнинг билим даражаларини аниқлаб олади (1-илова). 2.3. Жавобларни умумлаштиради ва хулосалайди	2.1. Тинглайдилар 2.2. Саволларга жавоб берадилар. 2.3. Тинглайдилар
3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намоиш қилади. (2-илова). 3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди. 3.3. Тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқ беради. Ўтилган органайзерлар бўйича намуналар тайёрлаш ва тақдимотга тайёрланиш талаб этилади (3-илова). 3.4. Тайёргарлик вақти тугагач тақдимотни ташкил этади 3.5. Ҳар бир тақдимотга изоҳ беради, камчиликларни кўрсатади	3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар. 3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар. 3.3. Тақдимот тайёрлайдилар 3.4. Тақдимот қиладилар. 3.5. Муҳокама қиладилар
4 босқич. Яқун яшаш (5 дақиқа)	4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради. 4.2. Машғулотни яқунлайди. Топшириқлар беради.	4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар. 4.2. Топшириқларни оладилар.

Саволлар:

1. Мустақил фаолият тушунчасига изоҳ беринг.
2. Сиз аудиторияда мустақил фаолиятни қандай ташкил этасиз?
3. Мустақил фаолиятнинг қандай турларини биласиз?
4. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш жараёнида қандай муаммоларга дуч келасиз?
5. Органайзерлар тушунчасига изоҳ беринг
6. Сиз қандай ораганайзерлардан фойдалангансиз?.

Визуал материаллар



- Тушунча-от
- 2 сўздан иборат сифат
- 3 сўздан иборат феъл
- 4 сўздан иборат муносабат
- 1 сўздан иборат синоним
- Ўқиш
- қизиқарли янгилик
- Фикрлаш қобилиятини ривожлантиради
- Маънавий тарбиялашга ёрдам беради
- мутоала

СИНКВЕЙН

Б/Б/Б (З/Х/У)

БИЛАМАН	БИЛИШНИ ХОХЛАЙМАН	БИЛИБ ОЛДИМ
1	1	1
2	2	2
3	3	3

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?

ОРГАНАЙЗЕРЛАР



- «Венн» Диаграммаси 3 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.

БЛИЦ-СУРОВ ЖАДВАЛИ

Груҳ баҳо-си	Груҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Жараён боскичлари
	« »		« »		

ФИКР.МУЛОХАЗА.ИСБОТ

ФСМУ



- Ф** – Фикрингизни баён этинг
- С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- М** – Фикрингизга мисол келтиринг
- У** – Фикрларингизни умумлаштиринг, хулосаланг

T- СХЕМА «Тест назорати»

Ютуғи	Камчилиги
<ul style="list-style-type: none"> <input type="checkbox"/> Ватқни тежалиши <input type="checkbox"/> Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони <input type="checkbox"/> Мантқий фикрни ривожлантириш. <input type="checkbox"/> Баҳолаш қулай 	<ul style="list-style-type: none"> <input type="checkbox"/> Нтуқнинг ривожланмаслиги. <input type="checkbox"/> Мулоқатни йўқлиги. <input type="checkbox"/> Ҳамкорликда фаолиятнинг йўқлиги. <input type="checkbox"/> Педагогик муносабатнинг йўқлиги.

3-илова

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

(назарий машғулот – 2 соат)


3.1. Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти– 80 минут	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Бахс-мунозара маърузаси
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1.Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. 2.Педагогик техника ва унинг компонентлари,таркибий қисмлари. 3.Педагогик одоб-ахлоқ ва талаба хулқ – маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари. 4. Маъруза ва семинарларда ўқитиш технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Касбий компитентлик ҳақида билимларни ривожлантириш ва шакллантириш	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • педагогик маҳорат ва касбий компентентлик ҳақида тушунчани ёритиб бериш; • педагогик техника ва унинг компонентлари,таркибий қисмларини моҳиятини ёритиш; • педагогик одоб-ахлоқ ва талаба хулқ – маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари ҳақида фикр юритиш; • маъруза технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш йўлларни кўрсатиш; • семинар машғулотларининг технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш йўлларни кўрсатиш; • педагогик маҳорат ва лойиҳанинг заруратини асослайди. 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • педагогик маҳорат ва касбий компентентликнинг омилларини санаб беради; • педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмларига изоҳ беради; • педагогик одоб-ахлоқ ва талаба хулқ – маданиятини шакллантиришнинг асосий омилларини аниқлайди; • Маъруза технологиясини лойихалаштиришнинг ўзига хос жиҳатларни таҳлил қилади; • семинар машғулотларининг технологиясини лойихалаштириш бўйича умумий хулосаларни ишлаб чиқади; • педагогик маҳорат ва лойиҳа жараённинг аҳамиятини кўрсатади..
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Мини маъруза ва бахс-мунозара
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий, жамоа бўлиб
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Мавзуни ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (15 дақиқа)	<p>2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Тингловчиларни ақлий ҳужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>3.1. Педагогик маҳорат ва педагогик техника тушунчаларига тингловчилар томонидан изоҳ берилиши сўралади (1,2-иловалар).</p> <p>3.2. Айтилган барча фикрлар муҳокама қилинади ва ягона хулосалар шакллантирилади</p> <p>3.3. Педагогик техника компонентларини аниқлангач ҳар бир педагог ўз тажрибасидан мисоллар келтириши ва бу вазиятни муҳокама қилишни ташкил қилинади (3-илова).</p> <p>3.4. Педагогнинг ахлоқ-одоб меъёрларини белгилашга ундайди.</p> <p>3.5. Фикр-мулоҳазаларни тинглайди ва хулосалар чиқаришни ташкил этади.</p> <p>3.6. Маъруза ва семинар дарсларини лойиҳалаш маҳорати қандай омилларга боғлиқ деган савол билан мурожат қилади.</p> <p>3.7. Жавоблар таҳлил қилинади ва хулосаланади.</p>	<p>3.1. Мустақил фикрларини билдирадилар..</p> <p>3.2. Хулосаларни шакллантиришда иштирок этадилар.</p> <p>3.3. Муҳокамада иштирок этадилар</p> <p>3.4. Педагог амал қилиши лозим бўлган ахлоқ меъёрларини аниқлайдилар.</p> <p>3.5. Таҳлил қиладилар ва хулосалайдилар.</p> <p>3.6. Жавоблар тайёрлайдилар.</p> <p>3.7. Тинглайдилар ва мулоҳазалар билдирадилар</p>
4 босқич. Яқун яшаш (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p>


Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари



ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ

- 1) Мулоқот қила олиш, бу ўз ишига, кишиларга бўлган муносабат, хайрихоҳлик, яхшиликни раво кўриш.
- 2) Идрок эта олиш қобилияти - касбий ҳушёрлик, сезгирлик, педагогик зеҳн.
- 3) Шахс жўшқинлиги - иродавий таъсир кўрсата олиш ва мантиқан ишонтира олиш қобилияти.
- 4) Ҳиссий турғунлик - ўзини қўлга олиш қобилияти.
- 5) Оптимистик фараз, баҳолаш қобилияти.
- 6) Ижодий қобилият.

ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА



3-мавзу

Касбий компетентлик

(амалий машғулот – 2 соат)

3.2. Амалий машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти– 80 минут	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Тренинг машғулот
<i>Машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. 2. Педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмлари. 3. Педагогик одоб-ахлоқ ва талаба хулқ – маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари. 4. Маъруза ва семинарларда ўқитиш технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> касбий компетентлик ҳақида билимларни ривожлантириш ва кўникма ҳамда малакаларни чуқурлаштириш.	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • педагогик маҳорат ва касбий компетентлик ҳақида тушунчани ёритиб бериш; • педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмларини моҳиятини ёритиш; • педагогик одоб-ахлоқ ва талаба хулқ – маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари ҳақида фикр юритади; • маъруза технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш йўлларни кўрсатиш; • семинар машғулотларининг технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш йўлларни кўрсатиш; • педагогик маҳорат ва лойиханинг заруратини асослаб бериш. 	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • педагогик маҳорат ва педагогик техниканинг элементларини санаб беради ва уларни схемада акс эттиради ; • педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмларига изоҳ беради; • педагогик одоб-ахлоқ ва талаба хулқ – маданиятини шакллантиришнинг асосий омилларини аниқлайди; • маъруза технологиясини лойихалаштиришнинг ўзига хос жиҳатларни таҳлил қилади; • семинар машғулотларининг технологиясини лойихалаштириш бўйича умумий хулосаларни ишлаб чиқади; • педагогик маҳорат ва лойиха жараённинг аҳамиятини кўрсатади..
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Оғзаки саол жавоб, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Индивидуал ва гуруҳда.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди. 1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди. 1.3.Мавзунини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.	
2-босқич. Кириш (10 дақиқа.)	2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради. 2.2. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.	2.1. Тинглайдилар 2.2. Тинглайдилар.
3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	3.1. Педагогик маҳорат ва педагогик техниканинг элементларини схемада акс эттиришни сўрайди (1-илова). 3.2. Педагогик ахлоқ ва одоб меъёрларига изоҳ беришни сўрайди. 3.3. Талаба ва педагог мулоқатида кўпроқ учрайдиган тушунмовчиликларга мисоллар келтиришни ва ушбу муаммоли вазиятларда ўқитувчи ўзини қандай тутиши мақсадга мувофиқ эканлигини таҳлил қилиш жараёнини ташкил этади.. 3.4. Тингловчиларни гуруҳларга бўлиб, биринчи гуруҳ- маъруза дарсини лойиҳасини, иккинчи гуруҳ - амалий машғулотни лойиҳасини, учинчи гуруҳ-лаборатория машғулотини лойиҳасини тузишларини вазифа қилиб беради. 3.5. Тақдимотни уюштиради. 3.6. Тақдимот натижалари ҳамкорликда таҳлил қилинади ва баҳоланади (2-илова). 3.8. Тақдимот натижаларига умумий хулоса беради.	3.1. Мустақил фаолият юритади. 3.2. Ўз фикрларини баён этадилар. 3.3. Мисоллар келтирадилар ва муҳокама қиладилар. 3.4. Гуруҳларда фаолият бажарадилар 3.5. Тақдимот қиладилар 3.6. Тинглайдилар ва мулоҳазалар билдирадилар 3.8. Тинглайдилар
4 босқич. Яқун яшаш (5 дақиқа)	4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради. 4.2. Машғулотни яқунлайди.	4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЁЗИНГ



2-илова

Кичик гуруҳчаларда ишлаш қоидалари.

Бу усулда гуруҳ талабалари неча гуруҳга булинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 тадан талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг раҳбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилди. Гуруҳ талабалари семинарга биргаликда тайёрланиб уз саволларини тулик очиб бнришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маърузачига саволлар берадилар, саволларга гуруҳнинг талабалари жавоб беришда ёрдам берадилар. Асосий маърузачи химоясидан сўнг апонентлар саволни янада тўлиқроқ изоҳлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ талабалари ўзларини фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо қўйиб изоҳ беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тузишда талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ раҳбари қилиб яхши ўзлаштирувчи талабаларни танлаш лозим. Бу усулда талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, коллектив бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Талабаларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.

ТАҚДИМОТ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ

№	Лойиҳанинг тузилиши (25 баллгача)	Мақсадни белгиланган- лиги (25 баллгача)	Назорат ишининг мослиги (25 баллгача)	Усулларнинг тўғри танланганлиги (25 баллгача)
1-гурух				
2-гурух				
3-гурух				
Жами				

МАЪРУЗА МАТНИ

1 мавзу: Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари

Режа:

1. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари.
2. Аниқлаштирилган мақсадлар. Б.Блум таксономияси.
3. Замонавий таълим технологиялари.

Таянч иборалар: *технология, таълим технологиялари, шахсга йўналтирилган таълим, таксономия, ўқув мақсадлари.*

1.1. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари.

Педагогик технология 30 йилларда анъанавий хусусий йўналишга қарши, аниқроғи бу йўналишдаги ноаниқлик ва юзакиликка қарши чиққан йўналишдир. Бу йўналиш ўз мақсади қилиб аниқ самарали натижага эришишри конкрет йўллари ишлаб чиқишини кўяди.

Бундай таълим технологиясига эришиш бир қарашда осон бўлиб кўринсада катта педагогик ўзгартиришлар ва илмий тадқиқот ишларини талаб этди. 50 йилларда бу масалани (программированные обучение) программалаштирилган таълимга ўтиш орқали хал қилишга ҳаракат қилинади.

60 йилларда (теория проблемного обучение) муаммоли таълим назарияси вужудга келди. Муаммоларни босқичма-босқич ечиб бориш, соддадан мураккабга йўналиш белгиланган қафолатланган натижага олиб келиши керак эди.

60 йилларнинг иккинчи яримидатаълим технологияси ғояси вужудга келди ва ушбу ғояни амалиётга олиб келиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Масалан :АҚШда 1961 йилда «Педагогик технология» журнали, 1971 йилда “Комуникация ва технология” ассоциацияси ташкил этилди. 1971 й. Аудивизуалли комуникация баёни номли журналлар чоп этила бошлади.

Англияда 1964 й.«Педагогик технология ва дастурли таълим» журнали нашр этила бошлади. 1967 й «Педагогик технология миллий

кенгаши» ташкил этилди. 1970 й. «Педагогик технология» номли журнал чоп этила бошлади.

Японияда 1965 й. «Умумияпон педагогик технология маркази кенгаши» ташкил этилди. «Педагогик технология», «Педагогик технология тадқиқотлари» бўйича журналлар чоп этила бошлади.

Венгрияда 1973 й. «Ўқитиш технологияси» номли давлат маркази ташкил этилди.

Педагогик технологияларнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

Таълим технологияларини ишлаб чиқишда қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш керак.

1. Талаба субъектига алоҳида эътибор бериш.

2. Технологик хусусиятга эга бўлиши

3. Тизимлилик (педагогик технология) тизимлилик хусусиятига эга бўлиши керак, яъни мантиқий боғланишлар ва яхлитликнинг мавжуд бўлиши

4. Бошқарилувлик хусусияти. Яъни диагностика, режалаштиришга қараб натижаларни коррективлаш, мослаштириш.

5. Самаралилик хусусияти. Натижалари самарали, оптимал куч ва маблағ талаб этувчи ҳамда стандарт таълимга тўғри келувчи бўлиши лозим.

6. Конспектуаллик хусусияти. Ҳар бир педагогик технология чуқур ғояга эга бўлиши, илмий асосланиши лозим.

Педагогик технологиялар шахсга индивидуал ёндошув масаласини олдинга суради ва унга асосланади. Шахснинг индивидуаллигига асосланиш бу шахсни активлигини ошириш, унинг янги хусусиятларни, қобилиятларни кашф этишга ривожлантиришдир. Ҳар бир шахснинг танлаш имкониятини ва эркин ривожланиш имконини яратиш. Яъни «Ривожлантирувчи таълимни» ишга тушушини таъминлашдир. Ўз даврида «Хотира мактабидан» фикрлаш мактабига ўтиш ва ундан кейин «Ривожланиш мактабига» ўтиш мақсад қилиб қўйилади. Индивидуал таълимни ривожлантириш натижасида ўз-ўзидан таълим кўп профилли, кўп даражали ёки дифференциалланган (табақалашган) бўлиб қолади. Бундай ҳолда узлуксиз мониторинг ишга туширилиши шарт.

Агар авваллари битта танлаб олинган тректориядан четга чиққан талабаларни тректорияга солишга ҳаракат қилинган бўлса, эндиликда ҳар бир талаба учун ўз ривожланиш тректорияси ишлаб чиқилиши ва унинг ривожланиш қадамларини назарат қилиб борилиши лозим. Яъни ҳар бир талабанинг ҳар томонлама ривожланиши ўрганилиб сўнг кейинги ривожланиш режалари тузилади.

Педагогик технология бу илмий техникавий тараққиёт меваси бўлиб «Педагогика», «Технология» тушунчаларининг интеграцияси асосида пайдо бўлди.

«Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» конунлари асосида 12 йиллик мажбурий таълимга ўтилади. Таълим тизими олдига янги юксак вазифалар қўйилди. Бундай юксак вазифаларни бажариш учун методика педагогик технологиялар билан бойитилиши талаб этиляпти. Бугунги кунда ҳар бир педагогдан юқори самарадорлик талаб этилмоқда. Аммо, илм–фаннинг тез ривожланиши билимлар хажмини ошириши ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб этмоқда. Бугунги кунда педагог эски методлардан фойдаланиб юқори самарадорликка эришиши кийин. Шунинг учун ҳам биз талабаларни янги педагогик технологиялар билан таништиришимиз уларарни бу борадаги малакалар билан курулантиришимиз зарур. Булажак ўқитувчилар нафақат методика балки педагогик технологиялар билан танишиши ва улар бемалол куллай олиш даражасига етишлари талаб этилади.

Бугунги кунда педагогик технологияларга жуда катта талаб қўйилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юқори малакали кадрларни тайёрлашни талаб этаётган бир вақтда кафолатларган самарали натижани вужудга келтирувчи йўналиш жуда катта аҳамият касб этади. Фақат кафолатланган самарали натижага асосланган таълим тизимигина малакали кадрларни етказиш мумкин. Шунинг учун ҳам педагогик технологияларни янада мукамаллаштириш. Янги технологияларни ишлаш талаб этилмоқда. Айниқса тарбия борасида педагогик технологиялар кам ишланган. Баъзи технологияларда аниқлик етишмайди. Педагогнинг маҳоратига ҳам бугунги кунда талаблар ошириб бормоқда. Педагогдан нафақат ўз психикасини ва нутқ маданиятини бошқариш, балки талабаларнинг психик ҳолатини бошқариш талаб этилмоқда. Бу вазифани бажариш учун эса педагог талабанинг психикасини ўта нозик жиҳатларини ўрганиши ва ҳар бир талабанинг қалбига йўл топа олиш лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида тинмай меҳнат қилиши керак.

Ҳар бир педагогик давр ўз ўзгаришлари ва янгиликларини тақозо этади. Янги педагогик технологияларнинг мақсади асосан таълим ва тарбия самарасини оширишга қаратилган. Таълим –тарбия жараёнининг самарасини ошириш янги сифат даражасига ўтиш имконини беради.

Педагогик технологиялар ҳозирги давр учун яъни инсоннинг ривожланиш даражаси ва техника ривожланиш даражасига мос тушиши ҳамда инсон ва техника ресурсларидан унумли ва уйғун фойдаланишни таъминлаш лозим. Педагогик технологияларни мазмуни кенг масштабда қаратилган бўлса:

- А) Гуманлаштириш ва демократлаштириш.
- В) Индивидуаллаштириш
- С) Ривожлантириш
- Д) Фаолликни ошириш (бажариб ўрганиш)

Педагогик технологияни кўпинча педагогиканинг бир йўналиши сифатида қабул қилинади. Бу йўналишнинг мақсади таълим тизимининг самарасини ошириш, планлаштириб қўйилган натижага эришишда кафолат берувчи жараёни ташкил этишдир - дейди Кларин. М.В.

«Педагогик технология» термини инглиз тилидаги *anaducational technology* унчалик тўғри келмайди. У кўпроқ (образовательная технолгия) таълим технологиялари деган тушунчага мос. Таълим технологиялари тушунчасига бир қанча таърифлар берилган.

1. Олдиндан лоиҳалаштирилган педагогик жараёни амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалаларни ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир.

2. Педагогик технологиялар – педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган, аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лоиҳалаштирилган, такрорлана олувчи педагогик ҳаракатлар тизимидир.

3. Таълим жараёнини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методидир. (ЮНЕСКО).

Кўриб туганганимиздек ҳозиргача педагогик технологияларга ягона бир мукамал таъриф берилмаган. ЮНЕСКО берган таъриф ҳам умумий хусусиятга эга бўлиб педагогик технологияларнинг моҳиятини очиб бермайди. Бизнингча берилган таърифлар ичида педагогик технологияларнинг мазмун –моҳиятини кўпроқ иккинчи таъриф очиб бера олади.

1.2. Аниқлаштирилган мақсадлар. Б.Блум таксономияси.

Педагогик технологияларнинг ишланишида асосий эътибор охириги натижага қаратилган бўлади ва қуйидаги изчилликда ишлаб чиқилади:

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларни гуруҳларга ажратиш.
2. Ўқув мақсадларини назорат иши ва тест вазифаларига ўтказиш.
3. Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш.
4. Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш.



Демак, педагогик технологиялар анъанавий таълимдан тубдан фарқ қилган ҳолда тузилади. У ўзаро ёпиқ циклни ва ўзаро изчил боғлиқликни тақозо этади. Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилашда, баҳолашда ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади. Барча этаплар бир мақсадга бўйсунди ва юқори натижани кафолатлайди.

Анъанавий таълим тизимида ўқув жараёнида умумлаштирилган ўқув мақсадлари белгиланади. Масалан: экологик маданиятни шакллантириш, сув хавзаларини муҳофаза қилиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Кўриниб турибдики бундай қўйилган мақсад мавхум характерга эга, чунки тушунча турли даражада ҳосил қилиниши мумкин. Бундай мақсадни текшириш ва баҳолаш ҳам муаммоли. АҚШ да ва Англияда ўқитувчи ва талабалар учун алоҳида аниқлаштирилган мақсад тузиш қабул қилинган. Ҳар бир қўйилган мақсадни эришганлик даражасини меъёрларни ишлаб чиқиш шарт. Ҳар бир қўйилган мақсад алоҳида ўз мазманига хос равишда текширилади ва натижалар таҳлил қилиниб хулосалар чиқарилади. Бунинг учун ҳозирда (идентификация учебных целей) аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқиш зарур. Умумий мақсадларни эса текшириш қийин ва бунда ҳар бир ўқитувчи ўз тушунчасидан келиб чиққан ҳолда текшириш ишларини ташкил этади. Умумий мақсад ўқитувчи нимага эришмоқчи эканлигини аниқ кўрсата олмайди, ўқувчида эса умумий тушунчалар ҳосил қилишгагина хизмат қилади.

Аниқлаштирилган мақсадли проектда ўқитувчи аниқ тушунлардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун аниқ ва мавхум тушунчаларни ажрата олиши керак.

Мавхум тушунчалар:


1. Ўрганмоқ.
2. Танишиб чиқмоқ.
3. Кўриб чиқмоқ.
4. Тушунмоқ.

Аниқ тушунчалар:

1. Белгилаб чиқмоқ.
2. Гуруҳларни ташкил қилмоқ.
3. Ажратиб олмоқ.
4. Тузиш.
5. Ёддан айтиб бермоқ.
6. Масала ечмоқ.
7. Изоҳ бермоқ
8. Моҳиятни ёритмоқ.
9. Баён ёки иншо ёзмоқ ва б.

Баъзан талабалар оғзаки эмас, балки ёзма ишлар бажарадилар бундай ҳолда ҳам аниқ мақсадларни белгилаш мумкин.

Агар ёзма текст билан ишлаш лозим бўлса қуйидаги аниқ мақсадларни белгилаш тизими тавсия этилади.



Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари албатта биринчи галда қандай назорат иши *орқали* текширилиши аниқланиши керак. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда тест ва назорат ишлари танланади. Танланган назорат ҳар бир мақсад учун алоҳида қўлланилади. Масалан биринчи кўйилган мақсад учун алоҳида, кейинги мақсадга эришиш учун алоҳида назорат иши топилиши керак. Барча назорат ишлари умумлаштирилиб охириги баҳолаш маълум қилинади.

Масалан: 1- мақсад таърифни ёддан билиш деб белгиланган бўлса, уни ёддан айтиб бериш талаб этилади. 2- мақсад формулани амалда қўллашга ўргатиш бўлса, уни амалда масала ишлаб қўллаш талаб этилади. 3- мақсад формулани ноанъанавий ҳолатда қўллаш бўлса, унга мос мисол танланади ва уни ишлаш талаб этилади. Шундай қилиб нечта мақсад аниқлаштирилган бўлса, шунча назорат иши ҳам ишлаб чиқилиши керак бўлади. Шундай қилиб мақсад ва назорат иши ўртасида уйғунлик ҳосил қилинади. Назорат ишларини танлашда албатта мақсаднинг характери ҳисобга олинади. Аниқ белгиланган мақсадлар эса текширишни осонлаштиради. Назорат ишларида турли хил тест турларидан фойдаланиш мумкин.

Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш Б.Блум таксономияси мавҳум тушунчаларни баҳолашда нималарга эътибор қаратиш лозим деган саволни ёритишга ёрдам беради. Агар ўқитувчи мавҳум тушунчаларни қўллаган бўлса Б.Блум таксономиясидан фойдаланиши мумкин. Таксономия тушунчаси ўзаро изчил алгоритмик боғланган тизимни билдиради. Ушбу таксономиядан ҳам баҳолаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Б.БЛУМ таксономияси.

Тушунчалар	Характеристика
1. Билиш	Терминларни, фактларни, белгиларни билиш, классификациялаш.
2. Тушуниш	Ўз сўзлари билан тушунтира олиш.
3. Қўллаш	Билимлардан фойдалана олиш.
4. Анализ	Элементларга ажрата олиш.
5. Синтез	Умумлаштира олиш.
6. Баҳолаш	Мавзуга нисбатан ўз фикрини билдириш.

1.3.Замонавий таълим технологиялари.

Бугунги кунда муаммоли таълим тушунчаси остида ўқув жараёнида ўқитувчи томонидан вужудга келтирилувчи муаммоли масалаларга ечимни топиш ва ўқувчи актив ижодий меҳнати тушунилади. Муаммоли вазиятларни ечимини топиш талабаларда мустақил фикр юритиш, иш жараёнида вужудга келувчи турли муаммоларни ечимини тез топиш қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам фан – техника тез ривожланаётган ва билимларимиз тез ўзгараётган бир даврда муаммоли таълим масаласи долзарб бўлиб бормокда.

Бугунги кунда олимларимиз миянинг ишлаш механизмларини ўрганар эканлар қуйидаги хулосаларга келмоқдалар:

Мия хужайралари сон жиҳатдан доимо бир хил бўлади, аммо уларни машқ қилиш орқали, ақлий меҳнатни бажариш орқали мия хужайраларининг ишлаш самарадорлигини ўзгартириш мумкин. Ёшлиқда мия хужайралари машқга берилувчан бўлади. Агар беш ёшгача бола икки тилни ўрганса, яъни мия актив ишласа, келажакда у иктидорли болалар қаторига кушилиш имкони бир неча баробар ортади. Агар 15 ёшгача уч тилни ўрганса, унда бу боланинг миясини ишлаш самараси янада ортади (гибкий ум). Баъзи маълумотларга караганда инсон миясининг ўртача 7 % имкониятидан фойдаланилади. Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи баъзи олимлар миянинг 10 % имкониятидан

фойдаланади. Оламшумул кашфиётлар қилган буюк инсонлар миясининг 15-20 % имкониятидан фойдаланган.

Миянинг фаол ишлаши нафақатақлини ўткирлаштиради, балки шахснинг саломатлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мия фаол ишлаганда ўзидан кучли қувват ишлаб чиқаради ва бу қувват организмни энергетик ҳолатига таъсир кўрсатади ва биологик жараёнларни боришига ўз таъсирини ўтказди. Ақлий фаолият организмда биологик қариш жараёнини секинлашишига ёрдам беради. Чунки, мия фаол ишлагач рухиятда янгиланиш содир бўлади, бу эса жисмоний танада ўз аксини топади. Демак, муаммоли таълимни жорий этиш тарбияланувчиларни на фақат ақлини, балки бутун жисмини тарбиялайди.

Бугунги кунда касбий тайёргарлик жараёнида талабаларни айнан муаммоларни ҳал этишга, масаланинг ечимини мустақил топишга ўргатиш долзарб масала эканини биламиз. Чунки бугунги кунда фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб борар экан, мавжуд билимларимиз тез-тез янгиланиб боради. Бу ҳолат биздан фақатфундаментал билимларни тушуниб ўрганишни эмас, балки фикрлаш рефлексини ривожлантиришни ҳам талаб этади. Муаммоли таълим тизими айнан ана шу фикрлаш рефлексини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ақлий фаолиятни активлаштиради.

Муаммоли таълимни ташкил этиш учун шарт – шароитлар қуйидагилардан иборат:

- 1.Талабалар маълум билимлар билан қуролланган бўлиши ва ана шу билимлардан фойдалана билиши лозим.
- 2.Талабалар муаммони ечиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.
- 3.Танланган мавзу муаммоли характерга эга бўлиши талаб этилади.
- 4.Ўқитувчидан мавзунини тўла ўрганиш ва муаммоли вазиятларни ишлаб чиқиш талаб этилади.
- 5.Талабалар сони чегараланган бўлиши лозим.

Муаммоли вазиятлар мазмунига кура қуйидагича тавсифланади:

Мақсад номаълум – уни аниқлаш керак.

Фаолият объекти номаълум – уни аниқлаш керак.

Фаолият усули номаълум – уни аниқлаш керак.

Фаолиятни бажариш шартлари номаълум – уни аниқлаш керак.

Ўқув жараёнида ўқитувчи муаммоли вазиятларни вужудга келтириш учун уларни ташкил этиш технологияси билан таниш бўлиши керак. Албатта бу вазифа мавзунинг характеридан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Муаммоли вазиятларни қуйидаги турлари бор :

- 1.Кутилмаган фавкулотда – хайратланарли вазият.
- 2.Низо вазияти.
- 3.Фараз қилиш вазияти.

4. Инкор қилиш вазияти.

5. Номуттаносиблик вазияти.

6. Танлаш вазияти.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.² “Интерактив” инглизча “Interactive” сўзидан олинган бўлиб, “ўзаро ҳаракат ва таъсирланиш” деган маънони англатади.

Интерактив метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрланиш асосида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди.³

Ўқитишнинг интерактив усуллари танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

Моделли таълим деган тушунчани биз кўп эшитганмиз. Моделлаштириш бу танлаб олинган объектни хусусиятларини иложи борица тўлиқ бошқа сатҳга кучиришга айтилади. Обектни тузилишини, хусусиятларини, ўзаро боғлиқликларини ҳамда вазифаларини курсатувчи элементлар системасига модел деб айтилади. Моделлаштириш икки хил бўлиши мумкин: материал, яъни моддий (предметли) ва идеал (абстракт) модел. Агар самолётнинг кичирайтирилган моделини предметли модель десак, Назарий тасвир этиш, бирор ходисани ёки жараённи абстракт ҳолда барча хусусиятларини, ўзаро боғлиқликларини ва вазифаларини ифодалаш- идеаллаштирилган модель хисобланади. Буни ҳозирда модул деган термин билан аташмоқда.

" Модулли ўқитиш " термини халқаро тушунча бўлиб, унинг битта маъноси - фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат булган тугунни билдиради. Бу маънода у модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информацияни блоки сифатида тушунилади.

Модулли ўқитиш асосан инсон бош миёси туқималарининг модулли ташкил этилганлигига таянади. Инсон миёси ҳам модулли тугунлардан ташкил топган бўлиб ахборотлар ана шу модулларда асоциациялашади.

Ўқитишнинг модул тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта, 1972 йил ЮНЕСКО нинг Токиодаги Бутунжаҳон Конференциясида сўз юритилган эди.

² Қаранг: Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. –Т.: «Фан», 2006, 150 бет

³ Асранов С. Янги педагогик технологиялар ва уларнинг имкониятлари. Замонавий педагогик технологияларнинг ташкилий ва илмий-методик муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. –Т.: 2005, 41–бет.

Модулли ўқитиш технологияси-функционал тизимлар, фикрлашнинг нейробиологияси, педагогика ва психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиқади. Бу соҳадаги изланишлар кура, модулли тизим асосида тузилган инсон мияси ахборотни квант кўринишида (яъни кичик порциялар кўринишида) яхшироқ қабул қилади.

Модул асосида мутахассислар тайёрлашнинг бир қатор концепциялари ишлаб чиқилган. Барча концепциялар замирида фаолият ёндошуви ётади ва бу нуқтаи назардан, ўқитиш жараёни тўлалигича ёки муайян фан доирасида, модулли таълим дастури мазмунига мувофиқ касбий фполият элементларини талаба томонидан кетма-кет ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади.

Турли концепциялар доирасида, модулли таълим дастурлари турли хил таркибий тузилмалардан иборат бўлади, аммо уларнинг барчаси қуйидаги учта асосий таркибий қисмни мажбурий равишда ўз ичига олдаи:

- 1 –Мақсадли мазмуний дастур;
- 2- турли кўринишларда тақдим этилган ахборотлар банки;
- 3- талабалар учун услубий кўрсатмалар.

Шундай қилиб, модулли ўқитиш-ўқув жараёнини ташкил этишнинг бир шакли бўлиб, унда ўқитишўқув материалларининг мантиқан тугалланган бирликлари, яъни модулларни босқичлари ва кадамлари буйича ўзлаштиришни англатади.

Қуйидаги тамойиллар модулли ўқитиш технологиясининг асосини ташкил қилади:

1. Фаолиятлилик тамойили: Бу тамойил, модуллар мутахассиснинг фаолият мазмунига мувофиқ шаклланишини англатади. Бу тамойилга кура модуллар фан буйича фаолият ёндошув ёки тизимли фаолият ёндошуви асосида тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологиясига фан буйича ёндошувида- модулларни ўқув режаси ва дастурлар таҳлили натижасида, тузишни тақозо этади. Тизимли фаолият ёндошувида,модуллар блоки, мутахассиснинг касбий фаолияти таҳлили асосида шакллантирилади.

2.Тенглик, тенг ҳуқуқлилик тамойили. Бу тамойил, педагог ва талабанинг ўзаро муносабати субъективлик характерини белгилайди. Бу эса, модулли ўқитиш технологияларини шахсга йўналтирилган технологиялар тоифасига тааллуқлигини кўрсатади. Яъни модулли ўқитиш технологияси- шахснинг индивидуал психологик хусусиятларига мослашган бўлади.

3.Тизимли квантлаш усули. Бу тамойил ахборотни сиқиб бериш назарияси, мухандислик билимлар концепцияси, дидактик бирликларни йириклаш назарияларининг талабларига асосланади. Шулар билан бир қаторда бу тамойил қуйидаги психик- педагогик қонуниятларни ҳисобга олишни тақозо этади:

-катта ҳажмдаги ўқув материали, қийинчилик билан ва хохишсиз эсланади.

-маълум тизимда қисқартирилган ҳолда берилган ўқув материали осонроқ ўзлаштирилади.

-ўқув материалидаги, таянч қисмлари ажратиб кўрсатилиши, эслаб қолиш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўз-ўзини назорат саволлари:

- 1.Таълим технологияларининг мақсади ва вазифалари ўз аксини намада топади?
2. Б.Блум таксономияси ҳақида нма биласиз?
3. “Интерфаол технология” тушунчасига изоҳ беринг.
4. Муаммоли таълимни ривожланиш тарихига изоҳ беринг.
5. Муаммоли таълимнинг қандай даражаларини биласиз?
6. Қандай муаммоли вазиятларни биласиз?
7. Муаммоли таълимни ташкил этишда қандай омилларни ҳисобга олиш керак?
8. Муаммоли вазиятларга иқтисодий мавзулардан мисоллар келтиринг.
9. Муаммоли таълим технологиясининг ютуқ ва камчиликларини курсатинг.
10. Муаммоли таълим талабаларда қандай куникма ва малакаларни ривожлантиради?
11. Модулли ёндашув моҳиятини ёритинг.

Адабиётлар:

- 1.Брушлинский А. В. Проблемное обучение. М. 2000.
- 2.Ильиницкя И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. М. 1995.
- 3.Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). Т., 2003.
- 4.Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни кўллаш намуналари.Т., 2000.
- 5.Исмоилова З. (БМИ). Иқтисодиёт фанларини ўқитишда муаммоли таълимдан фойдаланиш. Т .2005

2 мавзу: Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш

Режа:

1. Олий таълим муассасаларида аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари.

2. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари.

3. Мустақил ишларни ташкил этиш тамойиллари, педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари.

Таянч иборалар: *мустақил таълим, фаолият, фаоллик, мустақил фаолият, кейс, лойиҳа, органайзерлар.*

2.1. Олий таълим муассасаларида аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари.

Олий таълим тизимида аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш жуда муҳим, чунки айнан шу жараёнда талабалар Фаоллиги ошади. Талабаларнинг фаоллигини ошириш эса таълим самарадорлигини оширувчи асосий омил сифатида майдонга чиқади. Аудиторияда талабалар фаоллигини оширишда биринчи галда ҳамкорликда фаолият юритиш усулларида фойдаланишга эътибор қаратиш зарур. Буларга мисол қилиб куйидаги усулларни келтириш мумкин:

“Кластер” методи

“Кластер” (*гунча, боғлам*) методи педагогик, дидактик стратегия-нинг муайян шакли бўлиб, у Талаба-талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имко-ниятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Класстер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили би-лан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан талабалар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда талабалар томонидан

билидирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Кичик гуруҳчалар усули.

Бу усулда гуруҳ талабалари неча гуруҳга булинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 тадан талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг раҳбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилади. Гуруҳ талабалари семинарга биргаликда тайёрланиб уз саволларини тулик очиб бнришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маърузачига саволлар берадилар, саволларга гуруҳнинг талабалари жавоб беришда ёрдам берадилар. Асосий маърузачи химоясидан сўнг апонентлар саволни янада тўлиқроқ изоҳлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ талабалари ўзларини фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо қўйиб изоҳ беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тузишда талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ раҳбари қилиб яхши ўзлаштирувчи талабаларни танлаш лозим. Бу усулда талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, коллектив бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Талабаларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.

«Ақлий ҳужум» методи

Кейинги пайтда мия иш фаолиятининг фойдали иш коэффициентини оширишга мўлжалланган турли хил методлар ишлаб чиқилмоқда. «Ақлий ҳужум» – «*брейнсторминг*» (*brain storming*) инглизча сўздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг методларидан бири ҳисобланади. Бу метод ақлий фаолликни кўзгатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис А.Осборн билан боғлиқ.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказилиш технологиясини қуйидагича тушунтирса бўлади.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказувчи киши маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини ҳамда улардан энг кутилмаган фикрларни ҳам илгари суришларини сўрайди. Методни ўтказувчи киши барча фикрларни ёзиб боради. Шу ўринда айтилаётган фикрларга нисбатан танқидий муносабат билдирмайди ва фикрлар охи-ригача ёзиб борилаверади.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказишдан кўзланган мақсадлар қуйидагилар:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни чиқариш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ижод психологиясида таъкидланадики, ғояларни ишлаб чиқиш жараёнида танқидий фикрлар бу жараённи секинлаштиради. Ҳатто энг кучли ғоялар генератори ҳам танқидчиларга қаршилик кўрсатишга ожизлик қилиши мумкин.

“6Х6Х6” методи

Бу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар талабани муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. “6х6х6” методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан битадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳ томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

“6х6х6” методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- *гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;*
- *улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;*
- *гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;*
- *илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.*

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

“Қарорлар шажараси” (“қарорлар қабул қилиш технологияси”) методи

“Қарорлар шажараси” методи муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларда ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир

муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувлар. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Гуруҳ талабалари иштирокида қўлланиладиган "Қарорлар шажараси" бир неча ўн нафар талабаларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имкони-ни беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да талабалар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида талабалар куйидаги чизма асосида тузилган жадвални тўлдирадilar (ёки ушбу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланадилар):

"Қарорлар шажараси" методи куйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. *Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томони-дан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.*

2. *Ўқитувчи талабаларни 4 ёки 6 нафардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, бу борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.*

3. *Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва афзал бўлмаган жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтама-га келиб оладилар.*

4. *Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар. За-рур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча Талаба-талабалар бил-дирилган хулоса (қарор)ларни бир-бири билан қиёслайдилар.*

Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бу-нинг сабабини изоҳлайди.

"Қарорлар шажараси" методининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу метод бевосита маълум лойиҳа асосида қўлланилади. Мазкур лойиҳа куйидаги кўринишга эга:

“ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ” методи					
УМУМИЙ МУАММО					
1-қарор варианти		2-қарор варианти		3-қарор варианти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
Қарор:					

"Юмалоқланган қор ўйини" методи

Ушбу метод ҳам мавзуни муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда талабаларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида куйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- *тасвирли карточкалар тайёрланади;*
- *уларнинг орқа томонига мавзуни ўзлаштиришга оид ўн беш вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;*
- *талабалар икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);*
- *ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктириладилар;*
- *ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради;*
- *жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.*

“Юмалоқланган қор ўйини” методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

“Заковатли зукко” методи

Мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда талабаларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгалликлари муҳим аҳамиятга эга. "Заковатли зукко" методи талабаларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Метод ўз хоҳишларига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган талабалар учун қулай имконият яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний балларнинг ўрғача арифметик қийматини топиш асосида талабаларнинг тафаккур тезлиги аниқланади.

Балларнинг белгиланиши талабаларнинг шахсий имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди.

Метод талабалар билан якка тартибда, гуруҳли ва оммавий ишлашда бирдек қўлланилиши мумкин.

"Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолаш айолиши имконини беради.


Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин.

Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаол ия таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

17-шакл



Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бо-йитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти куйидагича:

– Талабалар гуруҳларга бириктирилади;

– Талабаларнинг янги мавзубўйича тушунчаларга эгаллик даражаси ўрганилади;

– Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;

– Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимлар-ни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушун-чалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;

– ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маъ-лумотлар билан таништирилади;

– Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;

– баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қў-йилади;

– машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

"Зиг-заг" методи

Метод талаба–талабалар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзунини тез-кор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги қу-йидаги жиҳатлар билан белгиланади:

1. Талабаларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади;

2. Мавзунини ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежсалади

“Зиг-заг” ёки “Бошқаларни ўқитиш” методи

“Зиг-заг” методининг қўлланиш қоидаси куйидагича:

1 – босқич. Кичик гуруҳлар ташиқил этилади.

2 – босқич. Ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига 1, 2, 3 рақамлари ёзилган қозғозлар (топириқлар сонига қараб) тарқатилади.

3 – босқич. Ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар алоҳида стол атрофида бирлашади (1,1,1,1), (2,2,2,2), (3,3,3,3) ва ушбу гуруҳларнинг ҳар бирига алоҳида топириқлар берилади (мисол учун 1-гу-руҳга методик, 2-гуруҳга илмий, 3-гуруҳга дидактик таҳлил).

4 – босқич. Гуруҳ иштирокчилари белгиланган вақт оралигида берилган таҳлил турларини пухта ўрганадилар ва ҳар бир иштирокчи “ўқитувчи” даражасига кўтарилади.

5–босқич. Ҳар бир иштирокчи аввалги ўрнига қайтади ва ўзининг пухта ўрганиб келган материални (дарс таҳлили турини) ше-рикларига галмагалдан тушунтириши керак. Мана шу тартибда дарс таҳлили турлари талабалар томонидан мустақил ўрганилади. Ва бу ишларнинг тақдими ўтказилади.


Дарс таҳлилининг қайси тури бўйича тақдимот қилиш ўқитувчи томонидан белгиланади, яъни гуруҳлар тақдимот қилиб берадилар. Ҳар бир гуруҳлар тақдимотини қолган гуруҳлар баҳолайди.

Баҳолаш мезони максимал – 10 балл. Мазмун – 6 балл, тақдимот – 4 балл. Голиб гуруҳ ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.

“Вен диаграммаси” методи

Ушбу метод Талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. “Вен диаграммаси” методи кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка куйидаги схема чизилади:



Метод Талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу методдан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Методни қўллаш босқичлари куйидагилардан иборат:

- Талабалар тўрт гуруҳга бўлинади;
- ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;
- ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;

– топириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;

– лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.

2.2. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари.

Аудиториядан ташқарида талабалар фаолиятини ташкил этишда мустақил фаолиятни ташкил этишга ёрдам берувчи ташкил этувчилардан фойдаланиш қулай. Улар талабалар билимини мустаҳкамлаш ва баҳолаш жараёнини осонлаштиради. Бундан ташқари аудиториядан ташқари мустақил фаолиятни ташкил этишда кейс ва лойиҳа методини ўзига хос ўрни мавжуд.

Кейс -стади методи.

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминологиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

У илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуги кенг татбиқ этила бошлади.

Кейсолог фаолияти мазмуни:

- Кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш.

- Унинг таълим мақсадини тўлиқ ифода этиш.
- Кейсинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулият зонаси»ни аниқлаш:

Ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати

- Кейс ҳаётийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?
- Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд у кўп объектли бўлади?
- Фақат шундан кейин у институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун) ёки топади (ҳаётий ёки илмий-тадқиқотчилик кейси учун).

Кейс учун ахборот йиғиши усуллари:

Интервью, суҳбат, ўрганиш (архив ҳужжатлари, ҳисоботларни), кузатув ва ҳ.к

Ахборот йиғиши воситаси: Сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета, ҳар хил жадваллар ва бошқалар.

Ахборот манбалари: статистик материаллар, ҳисоботлар; вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар; Интернет; оммавий ахборот воситалари; корхона раҳбарлари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот; талабаларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари; илмий мақолалар, монографиялар.

Мақсадни баён этиш -ўқув курси структурасида кейсни ўрнини аниқлаш.

Кейсни таълим мақсадини кўрсатиб бериш.

Талабани ўқув ютуқлари, натижалари учун кейсни “жавобгарлик зонаси”ни аниқлаш: кейсни ишлаб чиқиш жараёнида билими ва савияси, ўзлаштирилиши, тафаккури ва бошқалар.

Лойиҳа методи

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда.

Немис педагоги М. Кноллинг тадқиқотига кўра, «лойиҳа» тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

👉 XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцариядаги,

XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида тарқалди.

☀ *Лойиҳалар усули* «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди.

☀ Америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргаликдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар.

☀ 1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштирди ва у америка педагогикасида янада мустаҳкамлана бошлади.

Лойиҳа» атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «**Лойиҳа** (лотинча-projectus, дан таржимада олдинга ташланган) – аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий ғоясини англатади.

Таълим маъносидаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари:

- Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга уларни қизиқтирган муаммони тадқиқ қилиш ва уни ҳал этишда йўналтириш ва ёрдам беришда ўқитувчи ўрнини белгиловчи ўқув муҳитини яратади;
- Фан билимларини мустаҳкамлашга ва уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга мустақил ҳаракат қилиш, (амалиётга йўналтирилган) аниқ якуний натижа олишни таъминловчи ўқув муҳитини яратади;
- Ҳақиқий ҳаёт билан таълимнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатади.

Лойиҳа турлари:

Изланувчилик фаолияти хусусиятидаги ўқув лойиҳаларнинг турлари

1.Тадқиқотчилик лойиҳалари – бу илмий изланиш хусусиятига эга бўлиб, қуйидаги ишларни бажариш ва аниқлаш назарда тутилади:

- муаммони долзарблиги ва ишлаб чиқилганлигини;
- Тадқиқот мақсади;
- Фараз, вазифалар;
- Муаммони ўрганиш усуллари;
- Ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Тажриба ўтказиш;

- Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ижодий лойиҳалар

ҳамкорий фаолиятда ишлаб чиқилган янги маҳсулотни ижодий шаклдаги (ижодий ҳисобот, кўргазма, ишлаб чиқариш хоналарини дизайни, видеофильм, нашрий маҳсулотлар – китоблар, альманаҳ, компьютер саҳифаларидаги журнал, компьютер дастурлари ва б.) тақдимоти.

Ижодий иш гуруҳи - бу (лабораториялар, устахоналар, конструкторлик бирлашмалари, редакциялар ва бошқалар)

Ахборотли лойиҳалар – ўқув жараёни ёки бошқа буюртмачилар учун муҳим бўлган ахборотларни йиғишга йўналтирилган.

Лойиҳани ишлаб чиқиш турли манбалардан: монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, социологик сўровномалар, электрон маълумотларни излаш билан боғлиқ.

Лойиҳа натижаси – буклет, нашр, Интернет саҳифаси шаклидаги тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган, тизимлаштирилган ахоротдир.

Қўллаш соҳасига боғлиқ равишда ўқув лойиҳаларни турлари

➤ **Ишлаб чиқаришга оид (техникавий)** ва ижтимоий лойиҳалар. Бунда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий томонларини (бошқарув, уй-жой шароитини яхшилаш ва бошқа муаммоларни) такомиллаштириш учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиш назарда тутилади.

Муаммони ишлаб чиқиш хусусияти билан мувофиқликдаги лойиҳалар

➤ Назарий ва амалийга йўналтирилган лойиҳалар. Бунда касб таълими йўналишидаги талабалар педагогика тарихи фанида тарбияга бўлган ёндашувларни ўрганиш асосида ижодий гуруҳларда ўзларининг шахсий тарбиянинг концепцияларини ишлаб чиқадиладар.

➤ **Амалий хусусиятдаги лойиҳада аниқ амалий**, яъни мактаб ёки аниқ ўқитувчининг буюртмаси бўйича муаммони ҳал этишга йўналтирилади (услубий лойиҳа). Бу лойиҳалар битта лойиҳада ўз аксини топиши ҳам мумкин.

2.3. Мустақил ишларни ташкил этиш тамойиллари.

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари - маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ўтказилади. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқдорига кўра аввалдан режалаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Ишлаб чиқариш амалиёти аудиториядан ташқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш Талабалар дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари улар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди.

Мустақил иш фаолиятида билимларни эгаллаш билан бирга, кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил амалга оширилади. Бугунги кунда ривожланган давлатлар таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки, айнан мустақил фаолият таълим олувчиларда мустақил фикр, ижодкорлик, амалий малка ва кўникмаларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Яхши биламизки, айнан мустақил фикрловчи ижодкор, амалий малкалари шаклланган мутахассисларга тобора талаб ошиб бормоқда. Шу сабабли дунё таълим тизимида ҳам мустақил фаолиятни самарали ташкил этиш масаласи юзасидан турли йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда иккн нарсага эътибор қаратиш керак:

- мустақил иш - ўқишнинг, ақлий меҳнатнинг алоҳида тури сифатида талқин этилишига эътибор қаратиш;

- ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олишини таъминлаш керак. Айниқса, интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди. Демак, мустақил фаолиятини ташкил этиш жараёнида талабаларнинг ўз устиларида мустақил ишлашларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг асосий тамойили унинг систематик тарзда, яъни доимий, узлуксиз равишда амалга оширишидир. Маълумки, ўқув жараёнини ташкил этишда қатъий кетма-кетлик, узвийликни мунтазам олиб бориш талаб қилинади. Таълим олувчи аудиторияда олган билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириш учун ҳар куни мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Бугунги ўтиладиган мавзунини яхши тушуниши ва ўзлаштириши учун ўтилганларни ўз қобилияти ва олган билими даражасини янада чуқурлаштиришга интилиши, мустақил такрорлаши, ўрганиши зарур. Чунки, маърузада талабага йўлланма берилади. Дарс давомида мавзуга тегашли барча асосий саволларни муҳокама қилиб бўлмайди. Унинг иложи йўқ, маърузада ўтилган, муҳокама қилинган масалаларни психологларнинг тадқиқоти натижаларига кўра, атиги 5 фоизи талабалар ёдида қолар экан. Ўзи ўқиб ўргангани, ўрганганларини бошқаларга ўргатиши эса бир неча баравар кўп ёдида қолар экан. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, талабанинг ўзини

мустақил тайёрланиб ўқиши фанни ўрганишда, уни асосий мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришда, таҳлил қилиши, ўз фикрини ифодалашда муҳим роль ўйнайди.

Талабанинг мустақил ишдан мақсад ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати асосида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Таълим олувчи мустақил фаолият олиб борар экан ундан қуйидаги кўника ва малакалар талаб этилади:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, уларнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш шакллари турлича бўляб, уларни бир қисми ўқув режасида кўзда тутилган. Уни ҳар бир талаба бажариши шарт. Иккинчи қисми ихтиёрий, яъни талабалар ўз хоҳиши билан мустақил бажаришлари мумкин.

Мустақил ишни ташкил этишнинг муҳим хусусияти шундаки, уни таълим олувчининг ўзи ташкил қилади. Шунинг учун уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашда талабага ёрдам лозим.

Мустақил ишни бажариш учун талаба ўзини-ўзи мажбур қилши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларни мустақил ишни ташкил этишда ўқишни бошқа шаклларига ўхшаб, умумий тамойилларини кўрсатиб ўтиш жойиз. Мустақил ишни шу тамойиллар асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Мустақил ишни ташкил этишда оддий элементар тамойилларни ўзлаштириш биринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараёни тўлалигича қамраб олади. Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш шакли ва қоидалари:

- Талабалар мустақил ишларини икки кўринишда – аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиш мумкин.
- Талабалар мустақил ишларини тизимли равишда, яъни босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб ташкил этилишини таъминлаш лозим.

Бундан ташқари талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш керак:

- талабанинг ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти, ўзлаштиришдаги қийинчилик даражасига;
- талабанинг қобилияти, назарий ва амалий тайёргарлик даражасига;

- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражасига;
- мустақил иш учун топшириқлар курсдан-курсга ўтиш билан шакл ва ҳажм жиҳатидан ўзгариб боришига;
- мустақил иш фан хусусияти ҳамда талабанинг академик ўзлаштириш даражасига ва қобилиятига мос ҳолда ташкил этиш.

Ҳар бир талаба мустақил ишни ташкил этишни нимадан бошлаши керак? Унга қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланганини аниқ кўз олдига келтира олиши керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни ташкил этилди дегани эмас. Мустақил ишни қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Муваффақиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, қийинчиликлардан кўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни эса талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади. Шу сабабали аввал талабани мустақил фаолиятни олиб боришига тайёрлаш керак.

Ҳар бир талаба индивидуал тарзда вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши керак. Ундан келиб чиқиб, талаба ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга ҳаракат қиладилар.

Ўзлаштириш бўйича факультет муваффақиятини ҳам талабаларнинг ўз вақтларини тўғри режалаштириши, уни бажариши билан боғлаш мумкин. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан хоҳлаганча давом этиш мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17-25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди. Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Ўз-ўзини назорат саволлари:

1. Интерфаол метод нима?
2. Моделлаштириш (ролли ўйинлар) методи ҳақида нималарни биласиз?
3. “Ақлий хужум” методини таърифлаб беринг.
4. Ролли ўйинни танлаш, ижро этиш, уни амалга ошириш метод-лари қандай?
5. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда қулай усулларни аниқланг.
6. Аудиториядан ташқарида талабалар мустақил фаолиятини ташкил этувчи методларни аниқланг.
7. Лойиха ва кейс усулларига изоҳ беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Брушлинский А. В. Проблемное обучение. М. 2000
2. Ильиницкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. М. 1995
3. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). Т, 2003.
4. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда Янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. Т. 2000.
5. Исмоилова З. (БМИ). Иктисодиёт фанларини ўқитишда муаммоли таълимдан фойдаланиш. Т. 2005

3 мавзу: Касбий компетентлик

Режа:

1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча.
2. Педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмлари.
3. Педагогик одоб-Ахлоқ ва талаба хулқ-маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари.
4. Ўқитиш технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш маҳорати

Таянч иборалар: маҳорат, педагогик техника, лойиха.

3.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча

Педагоглик касби ўз моҳиятига кўра ўта индивидуалдир. Хар бир педагогнинг муҳим ҳаётий урни уз ишининг устаси булишдир. Мастер (уста) жуда илгор, билимдон, ёки уз ишини мохирлик билан бажарувчи деб ифодаланади. педагог маҳорати унинг фаолиятида куринади. Педагог аввало педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яшхи эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари. унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга молик бўлади. Маҳорат-бу алоҳида қудрат. Юқори ва кичик даражада уста булиш мумкин эмас. Маҳоратга эришиш ҳам, эришмаслик ҳам мумкин. Хақиқий уста меҳнат фаолияти чоғидагина гўзалдир. Педагогик маҳоратга етишиш педагогнинг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади. Педагогик маҳорат юксак даражада педагогик фаолиятнинг тараккий этишини, педагогик техникани эгаллашни. шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

“Педагогик маҳорат” бир категория сифатида узининг илмий асосларига эга. 1987-1997 йиллардаги илмий ёндашувлар бу фавқулотда ходисага нисбатан қуйидагича хулоса қилишга имкон берди. Педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёркин қуриниши сифатида тушунилади. Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуктаи назаридан кишининг индивидуаллигини характерлайди.

Ҳозирги тадқиқотларда педагогик маҳоратнинг ўзига хослиги қуйидаги категорияларда жамланади:

- Педагогик маҳорат;
- Педагогик ижод;
- Новаторлик;
- Касбий билимдонлик;
- Фаолият услуби;
- Инновацион фаолият;
- Педагогик технология;
- Маҳорат.

Ўқув тарбия ишлари жараёнида энг юксак натижаларга эришиб фаолиятнинг юксак даражада баҳоланиши ва ҳамма томондан тан олинисини истамайдиган педагогтопилмаса керак. Бунга эришишни анна шу хил орзунинг ушалишини педагогик маҳорат деймиз. Хўш педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унга қандай эришса бўлади? Ҳозирги замон педагогика ва психология соҳасидаги мактабларда «Педагогик маҳорат» тушунчаси турлича изоҳларга дуч келамиз. Бу тушунчанинг моҳиятини бир мунча тўлароқ Аниқроқ таърифини «Педагогик энциклопедия»да берилган дейиш мумкин. Бизнингча, бошқаларга нисбатан бу таъриф педагогик маҳорат

мазмунини ва моҳиятини бир мунча тўғри ёритади. «Тарбия ва ўқитиш юқори даражага эришиши ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи санъат бўлиб, талабага меҳр қўйган ва ўз касбини севган ҳар бир педагогнинг қиладиган иши.

Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог – бу юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, фаннинг ёки санъатнинг тегишлу соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиётини мукамал эгаллаган мутахассисдир.» Бу таърифни яхши тушуниб, унинг унинг маъно моҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, Ушбу таърифда педагогик маҳорат тушунчаси мазмунга кирадиган қуйидаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади:

1. умумий маданиятнинг юқори даражаси ва билимдонлик ва ақл-заковатнинг юксак кўрсаткичи;
2. ўзининг ўқитаётган фанига доир кенг ва чуқур билим соҳиби;
3. педагогика, умумий ва педагогик психология каби фанлар соҳасидаги билимлар билан қуролланганлик, уларда ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасида эркин ва усталик билан фойдалана билиш;
4. ўқув-тарбия ишлари методикасини мукамал эгалланганлик.

Педагогик маҳоратнинг мазмунида қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган асосий қисимларни ажратиш мумкин:

1. педагогик инсонпарварлик йўналиши;
2. ихтисос мутахассисликка доир билимлар;
3. педагогик қобилият;
4. педагогик техника (кўникма-иқтидор).

Педагогликдунёдаги энг қадимги касблардан биридир. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳеч қачон камаймайди, сўнмайди. Педагогликкасби бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак. Ҳозирги даврда, биз мустақил ўзбекистонда кўраётган демократик ҳукуқий давлатда фаолият кўрсатадиган педагогқандай бўлиши керак? Ҳозирги замон педагогсининг шахси учун энг муҳим асоа – бу инсонпарварлик йўналишидир. Педагогжуда юксак даражада умумий маданиятга эга одам. У жуда кўп нарсани билиши керак, ҳозирги замонда ўзи ўқиётган фан соҳасидаги ютуқлардан, янгиликлардан хабардор бўлиши керак, ўз Талабаларини ҳар куни ўқишга ўргатиб бориши учун ўзи мунтазам ўқиб ўрганиб, ўз билимини тўлдириб, чуқурлаштириб бориши керак. Демак, педагог педагогик маҳоратнинг асоси ўз устида ишлаб бориши – мустақил ўқишдир. Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли-туман

анъаналарни жойга қўйиш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурулишлар бўлгани барчага аёндыр. Давлатнинг буюк келажиги, албатта ёшларни чуқур билимли ва покиза одоб-ахлоқли қалб эканини ёддан чиқармаслик лозим. Бу ката муаммода маҳоратли, билимли педагогларни ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанининг роли улкан. «Педагогик маҳорат» фанининг предмети – педагогнинг маҳорати, «Педагогик маҳорат» мақсади – маҳоратли педагогни тарбиялаш.

Педагогик маҳорат фанининг вазифалари: тарбиянинг моҳиятини ва шахсни ҳар томонлама тараққиёт эттиришда тарбиянинг ролини очиқ беради, тарбиянинг мақсади, мазмуни, усуллари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади: шунингдек педагогик маҳора фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўллари эришиб беради, тарбиявий ишларнинг шакллари кўрсатиб беради. Педагогнинг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндиси дирки, у педагога тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари:

Нутқ малакалари

Тушунарли таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш

Мимика ва пантомимика

Маъноли қараш

Ҳиссий психик ҳолат

Кайфият ёки истехзоли табассум

Саводли гапириш

Аниқ имо-ишора

Рағбатлантирувчи муносабат

Ижодий жиддийлик.

3.2. Педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмлари

Педагогик техника педагогга ўқув фаолиятида ҳам зарур булган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади. Аввало, педагогик - техниканинг таркибий қисми сифатида педагогнинг нутқ маданиятини, яъни саводли гапириш, уз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, уз фикр ва ҳис-туйғуларини сузда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб утиш мумкин. Педагогик техниканинг бош таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалигидир. Аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир курсатишда куп

сузли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муомила воситалари ҳисобланади. Педагогик ўзаро таъсир курсатишда педагогнинг уз хиссий психик ҳолатини бошқариш, ўзида энг қулай хиссий (ижодий) жиддилик даражасини ва умидбахшлик, хайрихошлик кайфиятини сақлаш ўзининг хиссий дам олишини ташкил этиш маҳоратида муҳим роль ўйнайди. Бу маҳорат педагогнинг касбий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қилишини таъминлайди. Кўп йиллар давомида соғлом асаб тизимини сақлаб қолиш, асабии бузилишлардан, хиссий ва ақлий зериктишдан ўзини тийишга ёрдам беради. Шундай қилиб, педагогнинг педагогик техникаси - бу шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали уларга ўз фикрлари ва қалбини етказиш имконини беради. Талабалар билан бевосита муомала қилишда педагогнинг худди ана шу малакалари ёки уларнинг йўқлиги унинг ҳулқ атворида намоён бўлади.

Тарбиячи, педагог ҳар бир ишни ташкил этишни, юришни, ҳазиллашни, қувноқ, жаҳлдор бўлишини билиш лозим. У ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияланувчиларга намуна бўлсин. Педагогик техника педагог малакаларининг шундай йиғиндисидирки, у педагогнинг энг яхши иждоий ҳулқ- атворига, бошқачақилиб айтганда, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларда самарали таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Мукамал педагогик техника педагогнинг вақти ва кунларини иждоий иш учун бўшатиб беради. Педагогик ўзаро таъсир курсатиш жараёнида талабалар билан муомала қилишда зарур сўзни топиш ёки муваффақиятли чикмаган гап охангини тушунтиришга ўз фикрини чалгитмаслик имконини беради. Педагогик техникани эгаллаб олган педагог овози бурилгандан ёки узининг иш билан боғлиқ булмаган қандайдир кечинмаларини унутишни билмасликдан азобланиб юрмайди. Демак, педагогик техникани эгаллаш педагогнинг ўз касб маҳоратидан қаноатлантириш даражасини ўсишига олиб келиши мумкин.

Педагогик техниканинг ҳамма учун умумин булган малакаларини тадбик этиш соҳасини педагогнинг талабалар билан бевосита муомиласини қараб утаммиз. Ривожланган педагогик техника педагогга талабалар билан муомила қилганда зарур. Сўз, гап, оханг, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг уткир ва қутилмаган вазиятларда осойишталикни ва аниқ фикр юритиш, таҳлил қилиш қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради. Бундан ташқари хақиқий педагог таъсир курсатишда педагогнинг педагогик техника соҳасидаги барча малакалари бир вақтда намоён бўлади. Нутқ, имо-ишора, мимика, ҳаракат билан бирга содир бўлади. Узликсиз ўзини тута билиш; таъсирчан воситаларга берилмаслик имконини беради.

Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, мижози, феъл атвори, сихат-саломатлиги, анатомик, физиологик хусусиятларига анча боғлиқ бўлади.

Педагогик техниканинг шаклланиши шахснинг сифатларига ҳам таъсир кўрсатади. Чунончи, нуткни ифодали, соф, саводли бўлиши устида ишлаш, фикрлашнинг равон бўлишига таъсир қилади. Психик фаолиятни мустақил тартибга солиш усулларини эгаллаш, феъл атвор билан булган хиссий вазминликнинг ривожланишига олиб келади. Педагогик техника малакаларининг шаклланиш даражасида педагогнинг умумий маданияти, имкониятлари намоён бўлади. Агар педагогнинг нутки кашшок ва тартибсиз бўлса, бўлар-бўлмас сабаблар билан ўз хиссиётларига эрк берса, тарбияланувчи хиссиётига таъсир қилмайди.

Педагогларнинг талабалар билан бевосита мулоқоти тарбияланувчиларга таъсир кўрсатади. Бу жараёндан икки томонлама ахборот алмашилади. Яъни, педагог бошқариш субъектидан объектга "талабалар"га боради. Ва аксинча объект субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро муомиладан уз тарбияланувчилари умуман жамоа, ундаги ички жараёнлар ҳақида роят хилма-хил ахборотга эга бўлади.

Педагогик муомила воситаси орқалиқандай ахборот олишни қараб чиқар эканмиз, талабанинг шахси ҳақидаги ахборотини муҳимлигини алоҳида таъкидлаб утиш керак. Бевосита муомила шахснинг роят хилма хил шароитларда ва қуринишларда ўрганишга имкон беради. У фақат шахснинг хулқ атворида намоён бўладиган эркин ва энг таъсирчан ташқи белгиларигина қайд этиш имконини бериб қолмайди. Педагог талабалар билан муомила қилар экан, жуда майда деталларни ҳам англаб олишга қодир бўлади, бу деталлар сиртдан қарагандаунчалик аҳамиятли бўлмай шахсда содир булаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим булган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатлари бўйича -бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳол шахсни чуқур тушуниш имконини беради, ташқи қатлам остида бошқа усуллар билан аниқлаб бўлмайдиган нарсаларни топиш имконини беради. Педагоглик фаолияти кишини ўзи дуч келадиган ходисаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитади. Бу эса ўз шериклари аҳолини фаҳмлаб, билиб олиш ва улар ҳақида ҳукм юритиш қобилиятини оширади. Нихоят педагогнинг талабалар билан қундалиқ муомиласи шунга олиб келадикки, у талабаларнинг хатти- ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабини турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва талабаларнинг хулқ-атвор усуллардан фойдаланилади. Бу нарсалар педагоглик фаолиятида айниқса сезилиб туради. Бу қонуний бир ҳолдир. Чунки, "Биз қундалиқ ҳаётда одамлар билан муомалада бўлар эканмиз, уларнинг хулқ-атворини билиб оламиз, уни гўё ўқигандай" бўламиз, яъни хулқ-атворнинг ташқи кўринишлари аҳамиятини тушуниб оламиз ва шу тариқа контекста ҳосил бўлган ўзининг ички психологик режасига эга булган текстни маъносини очиқ берамиз. Бу "ўқиш йўл-йўлақай"

бўлади, чунки атрофимиздагилар муомала жараёнида бизда уларнинг хулқига дойр маълум даражада автоматик тарзда мавжуд бўлган психологик маъно ҳосил бўлади.

Педагогнинг талабалар билан муомаласи улар ўртасидаги узвийликни тулдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Шу муносабат билан тарбия узлуксиз жараён эканлигини назарда тутиш керак. Талабаларга нисбатан тарбиявий вазифани бажарувчи катта ёшдаги кишилар, унга доимий таъсир этувчи тизимига эга эмас. Ҳар бир талабага ҳар хил таъсирлар оқими етиб боради. Улар бир-бирлари билан унчалик москелмаслиги ва маълум даражада бири иккинчисига зид келиши мумкин. Педагогнинг ўз тарбияланувчиларига кўрсатадиган турли туман таъсирлари унга тузатиш киритишга интилишига боғлиқ. Албатта бунга талабаларга муносабат унинг шахсий сифатларига қараб бошқарилади. Муаммоларнинг кўп ёки оз даражада бўлиши инobatга олинади. Педагогик қобилиятлар структурасида ақл, идқоо, хозиржавоблик, танқид кўзи билан қараш, собитқадамлик, нотиклик, сўзбойлиги ва хоказолар муҳим роль уйнайди.

Педагогик қобилиятлар фақат педагогик фаолият самарали бўлиши шартигина эмас, балки кўп жиҳатдан педагогнинг самарали ишлаши натижасидир. Шу муносабат билан педагогнинг ўзида педагогик қобилиятларининг аниқмақсадни кўзлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта роль уйнайди. Таҷриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарсa эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, шахс хусусиятларини кузатиш педагогнинг педагогик таҷриба ҳосил қилишга ҳам, унинг махсус маълумотлар туплашида муҳим ўрин тутаяди. Педагог ўзининг социал психологик кузатувчанлиги билан талабаларнинг турли характер хусусиятлари ва майлларини пайқаб қолиш қобилиятинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо булиш сабабларини билиб олиш, уларга бу сабабларнинг пайдо булиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ва хоказоларини ривожлантиришга қодирдир. Агар педагогда талабалар билан муносабатларининг ишонч асосида қурилишига йўл-йўриқ бўлсагина, бундай мулоқат рўй беради. Тарбия жараёнида бундай йўл-йўриқни амалга ошириш қийин ишдир, лекин бунга бутунлай эришиш мумкин. Албатта, катта ёшдаги кишиларнинг талабалар ҳаётига қўшилиб кетиши ниҳоятда қийин нарсa. Лекин бу муҳитга у яқинлаша олади, анча яқинлашиб боради. Педагогда талабалар билан ўзаро ишонч ва дустлик муносабатлари вужудга келгандагина бунга эришиш мумкин.

Талабалар жамоаси билан муомала кўпинча суҳбат, маъруза, ахборот ва хоказолар шаклида бўлади. Биринчи навбатда суҳбатни қандайқилиб ташкил этиш, педагогнинг гапларига талабаларнинг диққатини тортиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун бир неча усуллар бор. Гапни масаланинг

кўйилишидан бошлаш мумкин. Бу масалада булажак суҳбатнинг маъноси мужассамлашган бўлади. Мавзуга диққатни тортишга уриниб ҳам кўриш мумкин. Бунда гапнинг эркин қизиқарли фактни маълум қилишдан бошласа бўлади. Кейин уни тушунтириш ва таҳлил қилиш эса муомаланинг мазмунини ташкил этади. Мақола ёки бирон бир асардан парча келтириш ҳам муваффақиятли бўлиши мумкин. Бундан ташқари дархол талабаларга булажак суҳбат уларнинг қизиқишлари билан боғлиқ эканлигини айтиб ўтса ҳам бўлади. Мана суҳбатга талабаларнинг диққатини жалб қилинди ҳам дейлик. Энди унинг мавзусини анча қисқа, лекин етарли даражада аниққилиб очиб бериш даражаси туради, буни қандай амалга ошириш мумкин? Масалан, суҳбатни тузишнинг бундай варианты бўлиши мумкин. Дастлаб педагог талабалар онги ва хиссиётига етказмокчи булган асосий фикр қисқача баён этилади. Сўнгра у очиб берилади. Бунинг учун фактлар, мисоллар ва иллюстрациялар тизими баён қилинади. Бундан эркин таққослашлар, қутилмаган ўхшатишлардан фойдаланиш жуда фойдали бўлади. Шундан кейин хулоса чиқариш, яъни суҳбатнинг асосий фикрини бошқача сўзлар билан такрорлаш мумкин. Суҳбат талабаларда доимийқизиқиш уйғотиш учун бир қатор мураккаб бўлмаган усуллардан фойдаланиш зарур, энг муҳим сўзлар ва ибораларнинг интонация билан ажратиш кўрсатиш ва аксинча интонациями (урғу) ўзгартириш унчалик муҳим бўлмаган текстни баён қилиш керак. Овоз ва нутқ охангини ўзгартириш фойдалидир. Суҳбатни қандай тугаллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. У турлича бўлиши мумкин. Асосий ғояларни яна бир марта қисқача баён қилиб бериш мумкин. Уни шеърӣ сатрлар билан тугалласа ҳам бўлади. Агар талабаларнинг ўзлари эшитган нарсалари ҳақида фикр юритишларини хоҳласа жавобсиз савол билан тугаллаш мумкин. Суҳбатнинг якуни барча кўрсатиб ўтилган таркибий қисмларини ўз ичига оладиган вариант ҳам бўлади. Бу қоидаларга риоя этиш педагогнинг сўзлари талабаларга зарур таъсир кўрсатиш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари педагог эски фикр учун янги сўзлар излаши ва топиши даркор, яъни айна бир фикрни турлича баён қилишни билиши зарур.

Педагогик фикрлаш маданияти бўлган ўқитувчи тафаккури дунё карашининг уч босқичини ўз ичига олади:

- биринчиси методологик дунё қарашдаги педагогик ишончлар. Методологик тафаккур ўқитувчига ўзининг касбий фаолиятига тўғри қарай олишига, гуманистик стратегияни ишлаб чиқишига имкон яратади.

- Педагогик тафаккурнинг иккинчи босқичи-тактикавий дунё қараш бўлиб, у ўқитувчига педагогик фикрлаш, педагогик жараённинг моддийлашувига имкон яратади.

- Учинчи босқичи умумий педагогик қонуниятларни, реал педагогик фаолиятнинг уникал ҳодисаси бўлиб ҳисобланган булимларга тадбиққилишда намоён бўлади. Бу тезкор фикрлашдир.

Педагогнинг ташқи кўриниш маданияти, унинг ташқи кўринишга мослик даражаси ва педагогик фаолияти билан баҳоланади. Кенг фикрлилик, тартибли, одобли, босиқлик ва ўзини-ўзи яхши бошқара олиш кабилар педагогик фаолиятнинг муваффақиятли бўлишига олиб келади.

3.3. Педагогик одоб-Ахлоқ ва талаба хулқ – маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок талаба ёшларни маънавий кадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Чунки давлатнинг асосисни маънавият ташкил этади, маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод-Ўзбекистон таракқиётининг пойдеворидир» номли маърузасида таъкидлаганидек «Бизнинг Республикамизда узимизнинг маънавий кадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг миллий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда».

Шуни айтиш керакки инсоннинг маънавияти унинг ахлоқи, одоби, хулқи, маданиятидан ташкил топади. Ахлоқ эсақлий, ҳуқуқий, диний, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар уз навбатида инсон Ахлоқий сифатларининг қамол топиб, бойиб боришида олиб келади. Демак Ахлоқ инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидир. Одоб ва Ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқдир. Одоб алоҳида бир шахснинг муайян бир ҳислатини ифодаловчи Ахлоқий категориядир.

Одоб-бу ҳар бир инсоннинг жамоа билан бўлган мулоқотига ҳамда юриш-туришида ўзини тута билишини кўрсатади.

Ахлоқ- жамиятда қабулқилинган жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ одоб нормалари. Маданият-жамиятнинг ана унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тупланган барча ижобий, ақлий ютуқлар мажмуаси. Маънавият-инсон онгини ақс эттирувчи барча ижобий интеллектуал фазилатлар мажмуасидир. Мустақил фикрлаш- бу фахмлаш, англаш, фикр юритишдан бошланади. Тафаккур-инсон онгидаги мавжуд илмий-хаётий билимлар мажмуаларининг керагини саралаб олиш ва амалиётга қўллаш. Ижодкор педагог талаб ёшларнинг хулқ маданиятини шакллантиришда маънавий кадриятларнинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Педагог ижодкорлиги натижасида талаба ёшлар аждодлар тарихи, адабиёти, санъати, анъаналари ва урф-одатлари ҳақида чуқур билим олади. Талабаларнинг маънавий меросга булган қизиқиши

ошади. Дарс жараёнида самимий, соғлом маънавий муҳит яратилади. Маънавий мерос манбааларидан самарали фойдаланиш натижасида талабаларнинг хулқ маданияти камол топади. Талаба ёшларнинг хулқ маданиятни шакллантириш, биринчидан, дарс жараёнининг муваффақиятли бўлишига, иккинчидан таълим мазмунига ва педагог -талаба ҳамкорлик фаолиятига борлик. Ҳамкорликдаги фаолият ижодкорликни, масъулиятни, фаолликни талаб қилади. Бундай ҳар бир дарсдан педагог мақсадни аниқ кура билиши, амалга ошириладиган вазифаларни тугри белгилаб олиши лозим;

- дарс жараёнидаги билимлар мазмунининг илмийлиги, изчиллиги ва тарбиявий характери, кизикарлилиги талабаларда таълим ва тарбиявий томондан урганиладиган билимга булган қизиқишни кучайтиради. Уларнингбилимини кенгайтириш юксак хулқли булиш каби куникма ва малакаларини шакллантиради.

Албатта, бунда дарс шакллари танлашда мазмунининг моҳиятига алоҳида эътибор берилади. Масалан, касб-хунар коллежларида адабиёт дарси анъанавий даре ёки мунозара тарзида уюштирилса; методика дарси семинар, ёки мунозара тарзида, чет тили дарслари уйин ёки савол жавоблар, суҳбат дарслари тарзида уюштирилиши мумкин. Барча шаклдаги дарс жараёнларида талабалар хулқ, маданиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш учун савол- жавоб килиш, мунозарали вазият пайдо килиш, мустақил ишлаш, турли уйинлардан фойдаланиш каби усуллардан фойдаланиш муҳимдир.

Талабаларнинг маънавий сифатларини шакллантиришда уларга утмиш адабиёти, тарих, миллий урф-одатлар, анъаналар ҳақида билим бериш педагогдан доимо фаоллик билан муносабатда булишни талаб қилади. Талабанинг маънавий эҳтиёжини қондириш, қизиқишини устириш мустақил ишлар, ҳар хил ижодий ишлар (иншо, реферат ва бошқа) орқали амалга оширилади. Мустақил ишлар педагог ва талаба фаолиятининг узвий боғланган тамонларидир. Мустақил ва ижодий ишларда талаба ўз устида меҳнат қилади, ижодий изланади, ўз нуктаи назари, қарашларини шакллантириш билан бирга дунёкараши ва маънавий савиясини намоён этади. Мустақил ишлаш купрок дарслик устида ишлаш, манбаларнинг у мазмунини таҳлил этиш, маъруза, реферат, конспект тайёрлаш, ижодий иншо ёзиш (чет тилида ҳам) карточкаларга ёзма жавоб бериш, турли жадваллар, диаграммалар схемалар тузишни тақоза этади. Буларнинг бари талабадан изланувчанликни талаб қилади. Мустақил ишлар, семинарларни ташкил этишда 4 хил манбаларга асосланади.

а) Дарслик материалларига;

б) Маънавий мерос, ҳисобланган халқ оғзаки ижоди диний манбалар, мумтоз адабиёт ва бошқалар;

в) Оммавий ахборот воситалари материалларига (журнал, газеталар, радио, эшиттиришлар, ойнаи жаҳон кўрсатувлари);

г) Ҳаётий мисолларга (оилавий-маиший анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар, маънавий кадриятлар ва х.к) Оғзаки мустақил иш турлари ва ўрганилаётган мавзунинг моҳиятининг талабалар амалий фаолиятида мустақамлаштиришга йўналтирилган баъзи бир ёзма шаклдаги мустақил ишлар (иншо, саволларга ёзма жавоб топиш, жадвал, диаграмма, карточкаларни тўлдириш) дан аралаш дарё шаклида кенг фойдаланиш яхши натижа беради. Чет-тили, адабиёт дарсларидаўйин ҳолатларидан фойдаланиш самарали фойда беради. Масалан, адабиёт дарсларида "Алломалар меҳмонимиз", "Темурий ижодкорлар", "Бугунги давр - алломалар кузи билан" каби мунозаралар, бахсларни ташкил этиш мумкин. Методика дарсларида эса у "Шарқ алломаларининг тарбия ҳақидаги фикрлари" ва уларнинг маънавий мероси, ҳақида талабаларнинг ўзаро фикр алмашишларни ташкил этиш жуда фойдали. Дарс жараёнида педагог маънавий мерос манбаларидан усталик билан, фойдаланиши, уларнинг таълим ва тарбияний таъсирини ҳисобга олиш дарсни "қандай тарзда ташкил этилишидан қатъий назар (ўйин дарси, мунозара дарси, синов дарси ва х.к.), уни уюштиришда фаол, ижодкор, қатъий бўлиши, маънавий меросни яхши билиши ва уни амалиётга тадбиқ қила олиши зарур. Талабаларнинг оғзаки мустақил тайёргарлиги асосида ноанъанавий дарс шакллари уюштириш ҳамхулқ маданиятини шакллантиришнинг самарали усулларидан ҳисобланади. Бунда турли мавзулардаги бахс - мунозара дарсларини ўтказиш мумкин. Бундай дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнида талаба кенг ҳажмдаги маънавий манбаларга, бадий асарлар, халқ орзаки ижоди намуналарига, пандномалар, ланий манбалар, шарқ алломалари ҳаётига бағишланган илмий, оммабоп, автобиографик асарлар, матбуот ва оммавий ахборот материалларига мурожаат қилади. Натижада муаммоли саволларга жавоб топади, аждодлар маънавий мероси билан танишишга муяссар бўлади. Бундай дарслар етарли тайёргарлик, маҳорат ва кенг қўламли билим, тажриба, мустақилликка асосланган ҳолла ташкил этилса, талабанинг хулқ маданиятини шакллантирувчи қуйидаги ижобий натижаларни беради:

- дарс давомида талабанинг эркинлиги, мустақиллиги, фаоллигини ошишига эришилади;

- талабалар жамоа фикрига таянишга, уни ҳурмат қилишга ўрганадилар, бу билан уларда ўзаро ҳурмат, мулоқат маданияти тарбиялана боради;

- талабалар ўз фикр - мулоҳазаларини, қарашларини ҳимоя қилиш, уларни бошқаларга етказиш маҳоратини эгаллайдилар;

- талабаларда у ёки бу адибнинг қарашларини, халқ педагогикаси, ҳаёт, тажрибаси асосида кўтариб чиқилган муаммолар моҳиятини давр билан

боғлаш атроф мухит талаби имконияти асосларни ҳаққоний баҳолаш малакаси шаклланади;

- талабаларнинг ўзбек халқининг маънавий турмуш тарзи ҳақидаги билим даражаси ортади, Ахлоқий - маънавий сифатлари шаклланади;

- ҳар бир талабада ўз-ўзига талабчанлик, ўз-ўзини назорат қилиш хисси ортади, ўз устида ишлашга, ўзини англашга эътибор кучайди. Бундай муваффақиятли натижа синов дарслари, якуний дарсларда намоён бўлади. Талаба хулқ маданиятини асосий мезонлари: инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, имон, ижодкорлик, фаоллик, ташаббускорлик, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолашни талаб эгади. Бу талаб талабанинг Ватан, ота-она, дустлари, жамоа олдидаги бурчи вазифаларига, таълим-тарбия жараёнида намоён бўладиган фаоллик, ижодкорлик хусусиятларига муносабати орқали амалга оширилади.

3.4.Ўқитиш технологиясини лойихалаштириш ва амалга ошириш

Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш буйича семинарларда ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнининг тузилиши

ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ

Бундай семинарлар ўтказилишининг асосий йули (усули) таълим (олувчи) берувчи томонидан тайёрларган доклад ва маълумотларнинг муҳокамасини коллектив уртасида ташкиллаштириш ҳисобланади.

Бу турдаги **семинар самарадорлиги** маълум даражада таълим берувчининг семинарга тайёргарлиги сифатидан аникланади. доклад ва маълумотлар билан чиқадиган талабалар тайёргарлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

<i>Фаолият мазмуни</i>	
<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
<p>Келгуси семинарда бўладиган доклад (маълумот) лар мавзусини беради.</p> <p>Ўқув фанларни узлаштириш, келгуси касбий фаолиятида замонавий ижтимоий (иктисодий) ва бошқа муаммолардан тулик йуналиш (ориентир) ола билишда қилинаётган ишларнинг урни муҳимлиги уқтирилади.</p> <p>Семинарга тайёрланиш учун тавсия этилган адабиётлар руйхати такдим этилади.</p> <p>Мавзунини танлаш ташкиллаштирилади.</p>	<p>Семинарга тайёргарлик курадилар.</p> <p>Кимда-ким доклад, (чиқиш) мавзусини танлаган булса рефератнинг режасини тузади.</p>

<p>Танланган мавзу буйича рефератнинг етарли даражадаги тулик реџасини тузиш учун топширик беради.</p> <p>Нафақат доклад билан чиккан талабаларнинг, балки бошка семинар катнашчиларининг тайѳргарлиги таъминланади: семинар машѓулотлари мавзусига боѓлик булган маърузавий ва кушимча материаллар устида ишлаш, кузланган мавзуга доир билимларни узлаштириш ва унинг мухокамасини назорат килишга тайѳр туриш топширилади.</p>	
<p>Реферат реџасини мухокама қиладилар</p>	
	<p>Дастлабки ҒОЯ (фикр)га (оператив равишда) тезлик билан узгартиришлар, аникликлар, кушимчалар киритадилар. Реферат ѳзадилар.</p>
<p>Тайѳрланган рефератлар таркиби билан танишади. Лозим булса таълим олувчи узининг жавоблари билан рефератни тулдириши, ѳки чикиши давомида жавоб бериши керак булган саволлар беради.</p>	
<p>Семинарда чикиш тузилиши ва холатини мухокама қиладилар</p>	

2. БАЖАРУВЧИ БОСҚИЧ

<i>Фаолият мазумни</i>	
<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
<p>1. Семинарга кириш.</p> <p>1.1. Музокарага куйилган мавзу эслатиб утилади, уларнинг мухим томонлари ва долзарблиги маъруза материаллари билан боѓлик холда асослаб берилади.</p> <p>1.2. Берилган материал буйича таълим олувчининг билимлари <i>фаоллаштирилади</i>: (1) ѳки қисқа мазмунли жавобларга эга булган олдиндан</p>	<p>Саволларга жавоб беради. Саволлар беради</p>

<p>тайёрланган саволлар буйича утказиладиган суҳбат шаклида (зичлашган суров); (2) ёки матн куринишидаги тузатиш киритувчи назорат ёрдамида. Билимларни фаолаштириш жараёнида талабаларнинг кейинги семинар чиқишларни тушунишлари учун ва уларнинг муҳокамасида катнаша олишлари учун етарли даражада узлаштирилганликлари аникланади. Агар билимлар етарли даражада узлаштирилмаган бўлса, талабалар баёни (баён этиш учун) ёки улар билан суҳбат утказиш шаклида керакли билимлар узлаштирилади, уларга аниқликлар ва тузатишлар киритилади (2-вариант самарали ҳисобланади).</p>	
<p>2. Асосий қисм.</p> <p>2.1. Талабаларнинг тайёрланган доклад ва маълумотлари билан чиқишлар ташкиллаштирилади. Чиқиш жараёнида тингловчилар реакцияси ва материални баён этиш йули билан уни очиб беришдаги мантиikka эътиборни қаратилади (диккат билан қузатилади). Доклад ёки маълумотлар аудиториянинг қизиқишларини йукотса ёки аксинча қутарилган мавзу аудиторияда қизиқишни қучайтириб, уни муҳокама қилишга зарурат туғилса, одоб билан доклад қилиш бир канча вақтга тухтатилади ва семинар коллектив доирасидаги муҳокамада давом эттирилади.</p> <p>2.2. Докладни коллективда муҳокама қилиш ташкиллаштирилади. (Бу семинарнинг муҳим қисмларидан бири, модомики бу талабаларни фаол билимга эга бўлишларига жалб этади). Бунда таълим олувчиларга доклад мазмуни қай даражада туғри тушунарли бўлганлиги баҳоланади: доклад қилувчига семинар катнашчилари томонидан берилган саволлар мазмуни ва ўқитувчи томонидан қуйилган саволларга берилган жавоблар орқали (одатда талабаларга улар савол бермаган ёки улар берган саволлар мавзунинг фақат хусусий аспектларига боғлиқ бўлганда саволлар берилади).</p>	<p>Талабаларнинг тайёрланган доклад ва маълумотлар билан чиқиши. Коллектив равишда доклад мазмуни муҳокама қилиниб, мунозара утказилади.</p>

<p>Секин аста семинар ташкиллаштирилган бахс (мунозара) шаклига утади.</p> <p>Хар бир докладнинг муҳокамаси бита қилиб докладнинг ассосий ҳолати ва муҳокама натижаларини кайд қилган ҳолда қисқа умумлаштириш билан тугатилади.</p>	
--	--

<p>Доклад мазмуни буйича саволларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:</p> <p>(1) <i>мохиятни аниқлаштиришга йўналтирилган саволлар:</i> докладнинг баъзи жойлариникийтиришни талаб этади, (қоидага биноан реконструктив кайтариш);</p> <p>(2) <i>мохиятни янада оширишга боғлиқ бўлган саволлар:</i> докладга қушимчалар киритиш такозо этади.</p> <p>Ўқитувчи аввал бошида биринчи гуруҳ саволларининг муҳокамасини, ундан кейин эса иккинчи гуруҳ саволларига коллектив уртасида жавоб топишни ташкиллаштиради.</p>

<p>Семинарда музокарани ташкиллаштириш қуйидагиларни таказо этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Мустақил фикрлашни таъминлаш ва семинар давомида қуйилган саволларга жавобни талабаларнинг узлари асослаб беришларини; • Берилган жавобларни бошқа талабалар томонидан тушунарли бўлишини таъминлаш; • Айтиб утилган нуқтаи назарларга танқидлар қилиш, уларни аниқлаштириш, қушимчалар ва узгартиришлар киритишни ташкиллаштириш; • Киритилган аниқлаштиришлар, қушимчалар ва узгартиришларнинг тушунарли бўлишини таъминлаш; • қуйилган саволларга берилган жавобларнинг ихшонарли далиллари ишлаб чиқарилганлиги ташкиллаштириш.

3. ЯҚУНЛОВЧИ БОСҚИЧ

Фаолият мазмуни	
Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<p>Семинарда яқун ясаи.</p> <p>Семинар машғулотларнинг мавзусига яқун ясади:</p>	<p>Саволлар берадилар.</p>

<ul style="list-style-type: none">• муҳокама килиш мобайнида куйилган саволларга узида жавоб тутувчи (1) хулосаларни шакллантириш, (2) муаммолар айтиб утилади, уларга жавоб излаш кейинги семинарларда ёки талабаларнинг мустақил ишлари жараёнида ташкиллаштирилади;• доклад килувчилар ва семинар катнашчиларининг тайёргарлиги, музокара вақтида фаоллиги баҳоланади;• семинар натижавийлигига умумий баҳо берилади. <p>Кейинги семинар машғулотларининг мақсади аниқланади.</p>	
--	--

Ўз-ўзини назорат саволлари

1. Педагогик маҳоратга изоҳ беринг.
2. Педагогик маҳорат қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?
3. Педагогик тизимни ривожланишининг интенсив ва экстенсив йуллари нима билан фарқланадилар?
4. Педагогик инновациялар остида нима тушунилади?
4. Семинар дарсини технологик ишланмасига изоҳ беринг.
5. Семинар нима? Нима учун ўтказилади?
6. Педагогик техниканинг таркибий қисмларига изоҳ беринг.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
4. Каримов И.А. 2012 – йилда Республикани ижтимоий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устивор вазибалари тўғрисида. //Халқ сўзи. №14. 22.01.2013.
5. С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.»:ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.

6. Селевко С.Современные образовательные технологии,Москва.1998.-75-90 с.
7. Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань,1993.- 75с.
8. Хўжаев Н,Хасанбоев Ж,Мамажонов И, Мусахонова Г.Янги педагогик технологиялар.Ўқув қўлланма.Т,ТДИУ.-2007.71-74
9. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.
- 10.Очилов М. "Янги педагогик технологиялар",Қарши,2000.
- 11.Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар"., М. 1999.
- 12.Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
- 13.Ў.Толипов, М.Усмонбоева.Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография. Т.: Фан. ЎзПФТИ,2005.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. «Инновация»нинг маъноси нима?

- А) тушунтириш
- Б) англаб етиш
- В) янги технология
- Г) янгилик, янги тартиб қоида.
- Д) новаторлик.

2. Педагогик технологиянинг мақсади

- А) талабаларни фаоллаштириш
- Б) янгиликларни етказиш
- В) талабаларга билим бериш
- Г) таълимни технологиялаштириш.
- Д) Кам куч ва вақт сарфлаб юқори натижага эришиш.

3. Қўлланишига кўра технологиялар неча турга ажратилади?

- А) 3 та
- Б) 4 та
- В) 7 та
- Г) 2 та
- Д) 5 та

4. Психик ривожланиш омилига кўра педагогик технологияларни турлари белгиланг.

- А) биоген
- Б) социоген
- В) ривожлантирувчи
- Г) психоген
- Д) биоген, социоген, психоген

5. Технология сўзининг маъноси.

- А) грекча икки сўздан - «технос»-хунар ва «логос»-фан сўзларидан ташкил топиб «хунар фани» маъносини англатади.
- Б) ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш
- В) хунар фани
- Г) санъат
- Д) маҳорат

6. “Кластер” технологиясининг маъноси қайси жавобда берилган?

- А) фикрларнинг тармоқланиши ва у педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам беради.
- Б) катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айтиб бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгиш
- Г) ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгиш
- Д) ассоциация ҳосил қилдиш.

7. Муаммоли таълимнинг моҳияти.

- А) муаммо ечилади
- Б) таҳлил, анализ ва сизтез усулдир
- В) мақсад аниқланади ва ечим топиладиган усул
- Г) талабаларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган усул.
- Д) Фикр юритишга ўргатувчи метод

8. Таълим технологияси тушунчаси нималарни ўз ичига олади ?

- А) Таълим - тарбиянинг мақсади ва мазмуни.
- Б) Ўқув жараёни, лойиха, таълим технологиялари, восита ва шакллар.
- В) Таълим - тарбиянинг усул ва шакллари.
- Г) 1 ва 2 жавоблар тўғри.
- Д) Таълим усули

9. БББ жадвали нимани ифодалайди?

- А) Биламан, Билишни хоҳлайман, Билдим
- Б) Билдим, Билар эдим, Билишни хоҳлайман
- В) Билмайман, Билмас эдим, Билиб олдим
- Г) Билишни хохламайман.
- Д) Биламан.

10. Венна диаграммаси

- А) муаммони анализ қилишда қўлланилади
- Б) муаммони ечимини топишда қўлланилади
- В) муаммони ҳал этиш йўллари топишда қўлланилади
- Г) 2 ва 3 жиҳатларни солиштириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш ҳамда умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади.
- Д) таҳлил ва синтез жараёнида қўлланилади.

11. “Нима учун?” схемаси.....

- А) муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир қатор қарашлар тизими
- Б) тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради
- В) 1 ва 2 жавоблар тўғри
- Г) 3 жиҳатларни солиштириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш ҳамда умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади.
- Д) Муаммони ечимини топиш

12. “Қандай” иерархик диаграммаси.....

- А) муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир қатор қарашлар тизими
- Б) муаммо ҳақида умумий таасурот олиш имконини берувчи мантиқий қатор саволлар
- В) 3 жиҳатларни солиштириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш ҳамда умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади.
- Г) *муаммони комплекс ечимини топиш усули
- Д) саволнома.

13. “Зиг-заг” ўзаро ўқиш техникаси неча босқичда малга оширилади?

- А) 1
- Б) 3
- В) 4
- Г) 5
- Д) 6

14. Педагогик технология методдан нима билан фарқ қилади?

- А)технологик характери билан
- Б)самарадорликни юқорилиги билан.
- В)узлуксизлиги билан
- Г)тизимлилиги билан
- Д) бошқарувчанлиги билан.

15. Педагогик технолигияларни турлари қайси жавобда тўғри ?

- А)универсал .
- Б)ялпи
- В)умумий, махсус, кичик модулли универсал.
- Г) дифференциал
- Д) локал

16. Технологик жадвал бу-

- А) технологик жараённинг шартли тасвири, унинг алоҳида функционал элементларига бўлиниши ва улар ўртасидаги мантикий алоқаларнинг белгиланиши.
- Б) жараённи босқичма-босқич усулда ифодалаш, бунда мақбул бўлган воситалар кўрсатилади (бу одатда график шаклда ифодаланади).
- В) режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир.
- Г) лойиха
- Д) барчаси тўғри.

17. Авторитар муносабатлар технологияси

- А) Ўқитувчи шахси муносабаталар марказига қўйилади.
- Б) ўқувчи шахси муносабаталар марказига қўйилади.
- В) Дидактик жараён муносабаталар марказига қўйилади.
- Г) Ҳеч кимнинг шахси муносабаталар марказига қўйилмайди.
- Д) Ҳамкорликда фаолият юритилади.

18. Дидактик марказлашган муносабаталар технологияси

- А) Ўқитувчи шахси муносабаталар марказига қўйилади.
- Б) ўқувчи шахси муносабаталар марказига қўйилади.
- В) Дидактик жараён муносабаталар марказига қўйилади.
- Г) Ҳеч кимнинг шахси муносабаталар марказига қўйилмайди.
- Д) Ҳамкорликда фаолият юритилади.

19. Аниқ мақсадларни белгилаш тартиби.

- А) аниқ мақсад, назорат, усул, баҳолаш.
- Б) умумий мақсад, назорат, усул, баҳолаш.
- В) мақсад, усул, назорат.
- Г) мақсад, усул, назорат, баҳолаш
- Д) мақсад, назорат, баҳолаш

20 Қуйидаги тушунчаларнинг қайсилари аниқ тушунчалар каторига киради..

- А) Ўрганмоқ.
- Б) Танишмоқ
- В) Кўриб чиқмоқ.
- Г) Тасаввур ҳосил қилмоқ.
- Д) Ёддан айтиб бермоқ

21. Қуйидаги тушунчаларнинг қайсилари мавхум тушунчалар қаторига киради.

- А) Белгилаб чиқмоқ.
- Б) Тузиш.
- В) Ёддан айтиш.
- Г) Иззох бериш.
- Д) Тассавур қилмоқ

22.Б.Блуи таксономияси неча даражадан иборат

- А) 3 та
- Б) 2та
- В) 4 та
- Г) 5 та
- Д) 6 та

23. "6 х 6 х 6" методининг афзаллик жихатлари нимада?

- А) гуруҳларнинг хар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- Б) улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- В) гуруҳнинг бошқа аъзолари фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;
- Г) илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади;
- Д) а, б, в ва г.

24. "Кластер" методи қандай фикрлаш шакли саналади?

- А) муаммолар хусусида эркин фикрлаш шакли;
- Б) очик ўйлаш шакли;
- В) шахсий фикрларни бемалол баён этиш шакли;
- Г) якуний хулосалар чиқариш;
- Д) аниқ объектга йўналтирилган фикрлаш шакли.

25. "Биламай. Билишни хохлайман. Билиб олдим" методи-дан фойдаланиш неча босқич асосида а мал га оширилади?

- А) 2 босқич;
- Б) 3 босқич;
- В) 4 босқич;
- Г) босқич;
- Д) 1 босқич.

26. "Зиг-заг" методининг кулланиши неча босқичдан иборат?

- А) 4 босқич;
- Б) 3 босқич;
- В) 5 босқич
- Г) 6 босқич;
- Д) 10 босқич.

27. Мақсадларни аниқлаштириш ким томондан ишлаб чиқилган.

- А) А.Макаренко;
- Б) А.Беруний ;
- В) Б.Блум
- Г) Д.Эльконин;
- Д) Сухомлинский

28. Мақсадаларни белгилаш пирамидаси неча босқичдан иборат?

- А) 4 босқич;
- Б) 3 босқич;
- В) 5 босқич
- Г) 6 босқич;
- Д) 10 босқич

29. "Т"-схема қанадй органиайзерлар қторига киради?

- А) қиёсий.
- Б) таҳлилий;
- В) муаммоли
- Г) таққословчи;
- Д) ахборотли.

30. "SWOT" таҳлил қандай органиайзерлар қторига киради?

- А) қиёсий.
- Б) таҳлилий;
- В) муаммоли
- Г) таққословчи;
- Д) ахборотли.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Педагогик технология” тушунчасига изоҳ беринг
2. Анъанавий мақсадни белгилаш қоидаларига изоҳ.
3. Очик ва ёпиқ тест турларининг фарқи нимада?
4. Аниқлаштирилган мақсадли ўқув жараёнида назоратнинг ўрни.
5. Репродуктив таълим типлари ва даражалари қандай?
6. Продуктив дарс технологиясининг авзаллик томонларини кўрсатинг.
7. Тестнинг қандай турларини биласиз?
8. Ўқув мақсадларини назоратга утказиш деганда нимани тушунасиз?
9. Анъанавий мақсадни белгилашга изоҳ беринг.
10. Очик ва ёпиқ тест турларига мисол келтиринг
11. Ўқув жараёнини мақсадини белгилаш неча хил бўлади, уларни таққосланг.
12. Тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари.
13. Педагогик технологияларни хусусиятларини санаб беринг.
14. Репродуктив ва продуктив тест орасида қандай фарқ бор?
15. Ижодий тестга характеристика беринг.
16. Б. Блум таксаномияси ҳақида нима биласиз?
17. Очик тестга мисол келтиринг.
18. Бирор мавзуга аниқлаштирилган режа тузинг.
19. Янги педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш зарурати нимада?
20. Метод билан педагогик технологияни таққосланг.
21. Муттаносибликка бағишланган тест тузинг.
22. Педагогик технологиялар мақсад ва вазифалари.
23. Тестнинг қандай шаклларини биласиз?
24. Педагогик технологияларни қандай турларини биласиз?
25. Продуктив ўзлаштириш технологиясининг ўзига хос жиҳатлари.
26. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаш зарурати.
27. Нутқ маҳорати ва техникаси деб нимага айтилади?
28. Педагогик вазиятларда педагогик маҳоратни қўллаш.
29. Педагогик жараёнини ташкил қилиш маҳорати.

30. Муносабат турларига изох.
31. Анъанавий таълим тизимини ижобий ва салбий томонлари.
32. Шаклига кўра тест турларини аниқланг ва тавсифланг.
33. Педагогик технологияларни классификацияси.
34. Педагогик технологияларни ишлаб чиқишда амал қилиши лозим бўлган тамойиллар.
35. Педагогик маҳоратни белгиловчи омиллар.
36. Педагогик нутқига қўйиладиган талаблар.
37. Муттаносибликка бағишланган тестларга мисол келтиринг.
38. Муаммолли таълимда муаммоли вазиятларни ташкил этиш
39. Олий таълимда ишбилармон ўйинларни аҳамияти?
40. Педагог нутқи ва унга қўйиладиган талаблар.
41. Педагогик технологиялар методикадан нима билан фарқ қилади?
42. Аниқлаштирилган мақсадли режа тузинг.
43. «ПМИ» технологиясига мисол келтиринг.
44. «БББ» технологиясига изох
45. Дифференцияни турлари ва унинг аҳамияти
46. Органайзерлар ва уларни қўллаш зарурати.
47. “SWOD” таҳлил методига тавсиф беринг.
48. Технологик харита қандай тузилади?
49. Кластернинг қандай турларини биласиз?
50. Бирор мавзу юзасидан низо вазиятини яратинг.
51. Ақлий хужум технологиясига мисол келтиринг.
52. Танлаш вазиятига мисол келтиринг.
53. Муаммоли вазиятларнинг қандай турларини биласиз?
54. Педагогик маҳоратни белгиловчи омиллар.
55. “Педагогик технологиялар” тушунчасига берилган таърифларнинг таснифи.

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни.
2. Табиий фанларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Ўқув жараёнини самарадорлигини оширишда ҳамкорлик технологиялари.
4. Талабаларнинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш йўллари.
5. Ўқув жараёнида муаммоли технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари.
6. Инновацион педагогика ва унинг истиқболлари.
7. Интерфаол технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш.
8. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш жараёнида органайзерлардан фойдаланиш маҳоратини шакллантириш.
9. Педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш босқичининг ўзига хос жиҳатлари.
10. Таълим тизими самарадорлигини ошириш йўллари.
11. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш қоидалари.
12. Ўқув жараёнини лойихалаштириш асосида самарадорликни таъминлаш.
13. Ўқув жараёнини бошқаришнинг оптимал йўллари.
14. Ўқув мақсадлари ва мониторинг.
15. Педагогик технологияларнинг классификацияси ва концептуал асослари.
16. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг ўзаро таъсири.
17. Аудиториядан ташқарида талабалар фаолиятини ташкил этиш технологияси.
18. Аудиторияда талабаларнинг фаоллигини таъминловчи технологиялар.
19. Кейс технологиясидан самарали фойдаланиш йўллари.
20. Лойиҳа технологиясидан самарали фойдаланиш йўллари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Дигностика ва дифференциация асосида таълимни ташкил этиш шарт-шароитлари.
2. Ўрта Осиёда таълим тизимини тараққиёти.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ислохатлари, мустақиллик йиллари эришилган ютуқлар.
4. Мутахассисларни касбий тайёрлашга қўйиладиган талаблар ва асосий ёндашувлар.
5. Таълим технологиларини амалиётга жорий этиш зарурати ва шарт-шароитлар.
6. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.
7. Педагогик технологияларнинг концептуал асослари
8. Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида таълим технологияларидан фойдаланиш амалиёти.
9. Иқтисодий фанларни ўқитишда маъруза ва унга қўйиладиган асосий талаблар
10. Муаммоли таълим технологиялари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари.
11. Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида турли педагогик услубларни қўллаш.
12. Иқтисодий фанларни ўқитишда кўргазмали курол ва техник воситалардан фойдаланиш.
13. Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол технологиялардан фойдаланиш.
14. Иқтисодий фанлар таълимида талабалар билимини баҳолаш тадбирлари.
15. Касб таълим дарсларини лойиҳалаштириш ва режалаштириш.
16. Дастурлаштирилган таълим.
17. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш жараёнида ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.
18. Тарбия жараёнини ташкил этишга қаратилган таълим технологиялари
19. Педагогик жараён тизим сифатида
20. Таълим жараёни яхлит тизим сифатида

ГЛОССАРИЙ

Педагогик технология – 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараёни амалиётга режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир; 2) таълим-тарбия методларини у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимидир; 3) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методидир.

«**Технология**» юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб «*techne*» - маҳорат, санъат, малака ва «*logos*» - сўз, таълимот маъноларини англатади.

Таълимни технологиялаштириш – бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.

Педагогика тизим – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва педагогик таъсир кўрсатишни кўзлаган, ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир.

Метод – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

Методика– бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар.

Методология- дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот.

Муаммоли ўқитиш – ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.

Педагогик фаолият – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик жараён - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатлари.

Педагогик маҳорат - педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

Дидактика - таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми.

Таълим олиш – бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқараши ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.

Ўқитиш – бу таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.

Ривожлантирувчи вазифа- ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.

Тарбияловчи вазифа –ўқитишни тарбиялаш принципига асосланади. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари ўзвий боғлиқликда бўлади.

Билим - ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.

Кўникма – эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

Малакалар – бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), ҳаракатлардир.

Анъанавий тизим- ушбу тизим асосчилари Я.О. Коменский, Г. Песталоцци, И. Гербартлар таълим беришда асосий ўринни ўқитувчи фаолиятига ажратганлар.

Дастурлаштирилган таълим бериш- бу ғоя 1950 йилларда илгари сурилган. Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоеън қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.

Ривожлантирувчи таълим- ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.

Ўқитиш мазмуни (ўқитиш, маълумот олиш)- таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими.

Таълим принциплари - бу педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларини белгиловчи асосий коидалар тизимидир.

Таълим бериш усули - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

Маъруза - давомли вақт ичида катта ҳажм бўйича монологик ўқув материални баён қилиш.

Семинар - бу таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулоти ўқитиш шаклидир.

Фанни ўқитиш услубиёти – таълим тизимида ушбу ўқув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифаларини ва ўқитиш мазмунини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва ўқитиш воситалари баёнини ўз ичига олади.

Концепция - умумий ғоя ёки бирор-нарсга тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.

Таълим воситалари - ўқув материални кўргазмани тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълимнинг техник воситалари(ТТВ) - ўқув материални кўргазмани намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустақамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Графикли ташкил этувчи – фикрий жараёнларни кўргазмани тақдим этиш воситаси.

Таълим шакллари (forma-лотинча-ташқи кўриниш) - бу усул ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқ.

Оммавий иш (фронтал) - барча таълим олувчилар олдида бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.

Жамоавий иш (коллектив) - ҳам умумий ва гуруҳлига тааллуқли бўлиши мумкин: 1) олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; 2) мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш; 3) хулосаларни

муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим олувчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); 4) Маъқул хулосаларни шакллантириш (умумий келишув билан).

Гуруҳли- кичик гуруҳларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.

Якка тартибли (индивидуал) - ўқув топшириғини якка ўзи бажариши.

Назорат – доимий текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади.

Билимни текшириш ва баҳолаш – таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у талабаларанинг ўқув фаолиятини дарсда, уйда оғзаки, ёзма ва амалий топшириқлар ёрдамида тизимли назорат йўли орқали амалга оширилади.

Назорат қилишли вазифаси – талабаларни таълим босқичини ҳар бир босқичида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳисобланади.

Таълимий ва таълим бериш вазифаси – талаба ўқитувчини саволига нафақат жавоб беради, балки топшириқ ҳам бажариб, ўртоқлари жавобларини мулоҳазалайди, ўзгартиришлар киритади.

Жорий назорат – ўқитувчи томонидан ҳар кунги ишда, асосан дарсда жараёнида амалга оширилади.

Оралиқ назорат – дастур мавзуси, бўлимлари ўзлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

Якуний назорат – ўқув йили ярмида ёки йил охирида амалга оширилади.

Фронтал текширув – ўзлаштириш лозим бўлган (қоида, жадвал, йилномалар) кўп бўлмаган материални текшириш учун қўлланилади.

Оғзаки текшириш – назоратнинг энг ўзгарувчан усули бўлиб, таълим беришнинг барча босқичларида қўлланилади ва талабалар билан алоқани онсон ушлаб туришга, уларнинг фикр ва ҳаракатларини кузатишга, жавобларини тўғрилашга ёрдам беради.

Ёзма назорат (*диктант, баён ёзиш, саволларга ёзма жавоб бериш ва ёзма назорат ишлари*) – вақт бўйича тежамли бўлиб, бутун гуруҳни ва ҳар бир талабани таълим олишга тайёрлигини бир вақтда аниқлаш имконини бериб, топшириқни индивидуал бажариш хусусияти билан ажралиб туради, бироқ топшириқни текширишга кўп вақтни талаб қилади.

Бошқарув - бу тартибга солиш даражасини ошириш орқали ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган, фаолиятнинг махсус шакли.

Мақсадни белгилаш-дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

Ташхис - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий - техник имкониятларни ўрганиш. Бу мақсадни тўғрилаш зарурлигига ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради.

Башорат қилиш - ўрнатилган вақт ичида мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш.

Лойиҳалаш - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўллари аниқлаш.

Режалаштириш - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади.

ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

1-машғулот бўйича дидактик материаллар

1-илова

Саволлар:

6. “Технология” тушунчасига изоҳ беринг?
7. Таълим технологиялари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?
8. Технологик ёндашувнинг қандай ўзига хос хусусиятларини биласиз?
9. Сиз кўпроқ қандай технологиялардан фойдаланасиз?
10. Технологик ёндашувнинг аҳамияти нимада?


2-илова

Визуал материаллар


1-слайд

Педагогик технологияларининг хусусиятлари







Таълим тизимининг тарққиёти




Аниқлаштирилган мақсадлар





Б.Блум пирамидаси



Ушбу метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида тингловчилар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 3) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 4) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				

2-машғулот бўйича дидактик материаллар.

1-илова


Саволлар:

1. Мустақил фаолият тушунчасига изоҳ беринг.
2. Сиз аудиторияда мустақил фаолиятни қандай ташкил этасиз?
3. Мустақил фаолиятнинг қандай турларини биласиз?
4. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш жараёнида қандай муаммоларга дуч келасиз?
5. Органайзерлар тушунчасига изоҳ беринг
6. Сиз қандай ораганайзерлардан фойдалангансиз?.


2-илова

Визуал материаллар

1-слайд



2-слайд



- Тушунча-от
- 2 сўздан иборат сифат
- 3 сўздан иборат феъл
- 4 сўздан иборат муносабат
- 1 сўздан иборат синоним
- Ўқиш
- қизиқарли янгилик
- Фикрлаш қобилиятини ривожлантиради
- Маънавий тарбиялашга ёрдам беради
- мутоала

СИНКВЕЙН

Б/Б/Б (З/Х/У)

БИЛАМАН	БИЛИШНИ ХОХЛАЙМАН	БИЛИБ ОЛДИМ
1	1	1
2	2	2
3	3	3

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?

6-слайд

ОРГАНАЙЗЕРЛАР




- «Венн» Диаграммаси 3 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.

БЛИЦ-СУРОВ ЖАДВАЛИ

Груҳ баҳо-си	Груҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Жараён боскичлари
	« »		« »		

ФИКР.МУЛОХАЗА.ИСБОТ

ФСМУ



- Ф** – Фикрингизни баён этинг
- С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- М** – Фикрингизга мисол келтиринг
- У** – Фикрларингизни умумлаштиринг, хулосаланг

T- СХЕМА «Тест назорати»

Ютуғи	Камчилиги
-------	-----------

- | | |
|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <input type="checkbox"/> Ватқни тежалиши <input type="checkbox"/> Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони <input type="checkbox"/> Мантқий фикрни ривожлантириш. <input type="checkbox"/> Баҳолаш қулай | <ul style="list-style-type: none"> <input type="checkbox"/> Нтуқнинг ривожланмаслиги. <input type="checkbox"/> Мулоқатни йўқлиги. <input type="checkbox"/> Ҳамкорликда фаолиятнинг йўқлиги. <input type="checkbox"/> Педагогик муносабатнинг йўқлиги. |
|---|---|

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.


Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

3-машғулот бўйича дидактик материаллар.

1-илова

Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари



2-илова

ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ

- 1) Мулоқот қила олиш, бу ўз ишига, кишиларга бўлган муносабат, хайрихоҳлик, яхшиликни раво кўриш.
- 2) Идрок эта олиш қобилияти - касбий хушёрлик, сезгирлик, педагогик зеҳн.
- 3) Шахс жўшқинлиги - иродавий таъсир кўрсата олиш ва мантиқан ишонтира олиш қобилияти.
- 4) Ҳиссий турғунлик - ўзини кўлга олиш қобилияти.
- 5) Оптимистик фараз, баҳолаш қобилияти.
- 6) Ижодий қобилият.

ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА



ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЁЗИНГ



Кичик гуруҳчаларда ишлаш қоидалари.

Бу усулда гуруҳ талабалари неча гуруҳга булинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 тадан талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг раҳбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилади. Гуруҳ талабалари семинарга биргаликда тайёрланиб уз саволларини тулик очиб бнришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маърузачига саволлар берадилар, саволларга гуруҳнинг талабалари жавоб беришда ёрдам берадилар. Асосий маърузачи ҳимоясидан сўнг апонентлар саволни янада тўлиқроқ изоҳлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ талабалари ўзларини фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо қўйиб изоҳ беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тузишда талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ раҳбари қилиб яхши ўзлаштирувчи талабаларни танлаш лозим. Бу усулда талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, коллектив бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Талабаларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.

ТАҚДИМОТ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ

№	Лойиҳанинг тузилиши (25 баллгача)	Мақсадни белгиланган-лиги (25 баллгача)	Назорат ишининг мослиги (25 баллгача)	Усулларнинг тўғри танланганлиги (25 баллгача)
1-гуруҳ				
2-гуруҳ				
3-гуруҳ				
Жами				

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т., 1997.
4. Каримов И.А. 2012 – йилда Республикани ижтимоий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устивор вазибалари тўғрисида. //Халқ сўзи. 2013 йил 22 январь, 14-сон.
5. Мухина С.А. Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. М.: «ГЭОТАР-Медия» 2008. -43 с.
6. Голиш Л.В. Замонавий педагогик технологиялар. М., 1999.
7. Йўлдошев Ж., Хасанов С. Педагогик технологиялар. Т.: “Иқтисод-молия”, 2009.
8. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000.
9. Селевко С.Современные образовательные технологии. Москва, 1998. - 75-90 с.
10. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография. Т.: Фан. ЎзПФИТИ, 2005.
11. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.: ТДИУ, - 2012. - 50 бет.
12. Хўжаев Н., Хасанбоев Ж., Мамажонов И., Мусахонова Г. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Т., ТДИУ, -2007. 71-74 б.